

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Йилнинг ҳар чорагида чоп этиладиган ахборот-таҳлилий бюллетени

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими» Лойиҳаси

№ 4 сон [январ - феврал 2010]



Европа
Комиссияси



Уруш ва тинчликни
ёритиш институти (IWPR)

УШБУ СОНДА:



02 ЛОЙИХА ЯНГИЛИКЛАРИ

10 ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЮ

17 ҚОЗОҒИСТОН:

1. Қозоғистонда исломчиларга нисбатан босим. Ҳукумат радикализм ва фаолияти хавфли дея айблаётган тарқоқ диний гуруҳларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқда.

19 ҚИРҒИЗИСТОН:

1. Қирғизистон: журналистлар хавфсизлиги юзасидан хавотирлар. Аёвсиз ҳужумлар медиаҳамжамиятни ҳаракатга чорламоқда.

2. Қирғизистондаги қийноқлар бўйича иш туб бурилиш ясаши мумкин. Қийноқлар остида айбига икдор қилдириш асосида чиқарилган ҳукмнинг бекор қилиниши, қийноқларга қарши курашда муҳим ютуқ сифатида хизмат қилиши мумкин. Аммо аввалига етказилган зарар учун товон пули ундириб, қийноқ кўллаган ва қийноқ кўлланилганини яширган шахсларнинг суд томонидан жазога тортилишига эришиш керак.

23 ТОЖИКИСТОН:

1. Тожикистон ҳуқуқ ҳимоячилари қайдга олиш институти бекор қилиниши талаб қилмоқдалар. Танқидчилар фикрича, советча қайдга олиш (прописка) тизими бекор қилиниши лозим.

2. Тожикистон: газеталарга нисбатан даъво аризалари юзасидан хавотир. Медиа кузатувчилар фикрича, тўхмат қилганлик бўйича қатор суд ишлари, сайлов арафасида учта нашрга нисбатан атайлаб уюштирилган кампаниядек кўринмоқда.

26 ЎЗБЕКИСТОН:

1. Ўзбек расмийлари журналистларни қўрқитиш орқали уларга ҳақиқатни ёзишни маън қилмоқчи бўлаёпти.

ТУРКМАНИСТОН:

28 1. Туркменистон расмийларининг турар-жойларни бузиш кампанияси юзасидан норозиликлар

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

Эътиборингизга ўз ичига лойиҳа тадбирлари бўйича қисқа маълумот, минтақадаги таниқли ҳуқуқ-ҳимоячилари билан интервью ва Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари бўйича юз бераётган ҳодисаларни қамраб олган ахборот-таҳлилий бюллетенининг тўртинчи сонини ҳавола этамиз. Қирғизистонда журналистларга нисбатан уюштирилган ҳужумлар юзасидан келтирилган сўнги статистика билан боғлиқ журналистларнинг ҳавфсизлиги масаласи, Тожикистондаги етакчи газеталарни тўхмат қилганликда айблаш, ҳамда Ўзбекистонда журналистларни қўрқитиш бўйича ҳолатларнинг кўпайиб кетгани кабилар бюллетенининг навбатдаги сонидан асосий мавзулар бўлиб қолди. Шунингдек, биз Қирғизистонда долзарб бўлиб бораётган қийноқ кўллаш масаласини ҳам ёритишга ҳаракат қилдик. Фурсатдан фойдаланиб, биз бюллетенининг мазкур сонини фойдали ва қизиқарли дея топганларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Бюллетень Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонлик таъ-лими” лойиҳаси доирасида чоп қилинмоқда. Лойиҳа мақсадларидан бири жамоатчиликнинг Марказий Осиё давлатларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича кундалик муаммоларидан хабардорлигини оширишдир. Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи, Тожикистонда ўз жонига қасд қилувчилар сонининг ошиши, Қозоғистондаги сўз эркинлиги каби масалаларнинг ечим топиши учун мулоқот платформасини таъминлаб келмоқда. Лойиҳанинг бошқа бир йўналиши нодавлат ташкилоти вакиллари жамоатчилик билан мулоқот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш, ҳамда журналистлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва маҳаллий қонунчилик доирасидаги тренингларни ташкил этишдир.

Бугун Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) ўз фаолиятини Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Филлиппин, Уганда, Шимолий Африка, Зимбабве, Кавказ, ҳамда Марказий Осиё давлатларида муваффақиятли равишда амалга ошириб келмоқда. Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаб, ушбу вақт оралиғида давлат ва нодавлат сектори, ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлди. IWPR биринчилардан бўлиб маҳаллий журналистлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларга хориждаги ҳамкасблари билан алоқа ўрнатишга кўмак берди. Вақти келиб бу кенг ҳамкорлик кўринишини олди. Ишга бўлган бундай ёндашув янги алоқаларни кенгайтириш, ғоялар, билим ва тажрибанинг доимий алмашинуви жараёнини таъминлаб берди. Натижада сўзлашув баръери ва дунёқарашларнинг турлича бўлишига қарамай, www.iwpr.net веб-саҳифасида ҳамкорликда ёзилган кўплаб мақолалар чоп этилди. Айнан шу иш туфайли IWPR инсон ҳуқуқлари, демократия ва бир қатор муаммоли мавзулар билан боғлиқ масалаларни ёритишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга муваффақ бўлди.

Бюллетенининг ҳар бир сонидан биз Сизни лойиҳанинг фаолияти билан таништириб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича алоҳида ҳолатлар билан таништириб, минтақамиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеаларни объектив ёритиб беришга ҳаракат қилаемиз.

ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

“Журналистлар учун инсон ҳуқуқлари сабоғи бўйича кириш”

мавзусидаги тренинг
Ўш шаҳри, Қирғизистон

30-31 январ кунлари Ўш шаҳрида Қирғизистон жанубидаги уч вилоят журналистлари учун “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси томонидан ташкиллаштирилган тренинг бўлиб ўтди.

Тренер, IWPR нинг фрилансер-муҳаррири Абдумомун Мамараимов, тренинг иштирокчиларига инсон ҳуқуқлари назариясининг асосий тушунчалари, ушбу соҳадаги ҳал қилувчи халқаро ҳужжатлар ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, тренинг иштирокчилари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақа восита, механизмлар билан танишиб, ҳуқуқ ҳимоячилари, ОАВ ва расмий органларнинг давлат фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли, уларнинг бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлигининг муҳим жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Тренингда Қирғизистоннинг Ўш, Баткен ва Жалолобод вилоятларидаги турли ОАВ ларида фаолият юритаётган ўн икки нафар журналист, мустақил журналистлар ва маҳаллий университетларнинг журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабалар иштирок этдилар.

Тренинг иштирокчилари олдида ЕХХТ нинг Ўш шаҳридаги офисининг вакили Октам Газиев ва “Инсон ҳуқуқлари бўйича Эдвокаси маркази” номли маҳаллий инсон ҳуқуқлари ташкилотининг етакчиси Жениш Тороев сўзга чиқдилар. Меҳмонлар тренинг иштирокчиларига ЕХХТ мисолида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий воситалар, ҳозирги шароитда ҳуқуқ ҳимоячиларининг роли ва фаолияти ҳақида гапириб бердилар. Бу чиқишлар иштирокчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотиб, улар ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб олиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Тренинг давомида инсон ҳуқуқлари соҳасини ёритадиган журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари ва бу фаолият билан боғлиқ бўлган ҳавф-хатар масалалари муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида эса, журналистнинг ҳавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

“Сўнги икки ярим йил ичида мамлакатда мавжуд инсон ҳуқуқлари муаммосини ёритиб келаётган журналист ва муҳаррир сифатида, мен аксар ҳамкасбларимизда ушбу мавзунини ёритишда билим ва малакалари етишмаслигини айтмоқчиман, - дейди Мамараимов. – Мен бундай тадбирлар муҳим дея ҳисоблайман, сабаби инсон ҳуқуқлари муаммосининг ечилишида ОАВ лари ва журналистлар ролига қайта баҳо бериш жуда қийин. Умид қиламанки, бу каби тренинглар инсон ҳуқуқлари мавзусини ёритаётган журналистлар қаторини кенгайтиришимизга кўмак беради. Афсуски, ҳозирча улар сони у қадар кўп эмас”.



“Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ёритаётган журналистлар, авваломбор, ўзлари саводли бўлишлари, ушбу мавзунинг ўзига хос жиҳатларини билишлари керак. Шунинг учун улар доимо ўз малакаларини оширишлари керак. Биринчидан, бу журналистга ўз ҳавфсизлигини таъминлашда кўмак бўлади. Сабаби, унинг ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйишининг олдини олади. Иккинчидан эса, бундай билим мақолаларимиз сифатини ошириб, уларни профессионал даражада ёритишимизга ёрдам беради. Шу жиҳатдан ушбу тренинг менга жуда катта кўмак бўлди”.
“Ўш шамы” газетасининг муҳбири Гулзат Газиева

“Афсуски, биз бу каби тадбирларда тез-тез иштирок этиб турмаймиз. Университетда эса, бундай амалий билимлар бўйича сабоқ беришмайди. Мен инсон ҳуқуқлари ўзи нима эканлиги ва журналистларнинг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги иштироки қанчалик муҳим эканлигини энди тушуниб етаяпман. Ушбу тренингда иштирок этганимдан жуда ҳурсандман”.

Жалолобод давлат университетининг журналистика бўлими талабаси Зумрат Исакова.



“Журналистлар учун инсон ҳуқуқлари”

мавзусидаги тренинг
Душанбе шаҳри, Тожикистон

29 ва 30 январ кунлари Душанбедаги журналистлар Иттифоқи анжуман залида “Журналистлар учун инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги тренинг бўлиб ўтди.

Тренингни Қозоғистон инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бюросининг Қарағанда бўлими директори Юрий Гусаков олиб борди. Ю. Гусаковнинг айтишича, ОАВ лари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ушбу мавзунини ёритиш истагида бўлган журналистларнинг мазкур соҳа бўйича назарий билимга эга бўлишлари ўта муҳим.

Тренингда 25 нафар журналист ва Тожикистоннинг турли ҳудудларидаги журналистика факултетларида таҳсил олаётган талабалар иштирок этдилар.

Тренинг ўтказиш асосий мақсадларидан бири, бу тожик журналистларининг кейинчалик матбуотда ёритишлари учун инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ ҳимояси фаолияти асослари билан таништириш бўлди.

Маърузачи ҳақида: Юрий Гусаков Қозоғистон инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бюросининг Қарағанда бўлими директоридир. У кўп йиллик тажрибага эга тренердир. (Гусаков Қозоғистон ва Марказий Осиё давлатларида инсон ҳуқуқлари мавзуси бўйича 40 дан зиёд тренингларни олиб борган). Юрий Гусаков Қозоғистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълим бериш мавзуларига бағишланган мақола ва кўргазмалар муаллифидир.



Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нодавлат ташкилотлари вакиллари учун мўлжалланган “Нодавлат ташкилотлари учун самарали коммуникациялар”

мавзусидаги тренинг
Алмати шаҳри

23-24 феврал кунлари MediaNet Халқаро журналистика марказининг тренинг залида “Нодавлат ташкилотлари учун самарали коммуникациялар” мавзусидаги тренинг бўлиб ўтди.



Тадбир IWPR нинг Қозоғистон Ваколатхонаси томонидан Европа Иттифоқи кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилди.

Тадбирда нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Тренингни MediaNet Халқаро журналистика маркази директорининг ўринбосари, журналистика Мактаби раҳбари, Media Relations Group креатив директори Игор Братцев олиб борди.

Тренингнинг асосий мавзулари: ахборот сабаб генерацияси, мессиж, пресс-релизлар тузиш, ОАВ лари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, лойиҳалар ёритишни ташкиллаштириш.

Тренинг доирасида нодавлат ташкилотларининг ОАВ лари билан фаолиятида мавжуд одатий стереотип ва ҳатолар кўриб чиқилди. Жумладан, нодавлат ташкилотларининг нима билан шуғулланаётгани ва қандай лойиҳаларни амалга ошираётгани эмас, балки уларнинг айнан нима сабабдан шу иш билан шуғулланаётганларини айтиб беришда эксперт сифатидаги ролини тушиниб етиш муҳим бўлди. Яъни ушбу фаолият қайси бир нохуш ижтимоий шароитда амалга оширилаётгани, бу йўналишда айнан нима улар фаолиятини янада долзарблаштириши мумкин кабилар.

Бу нодавлат ташкилотининг ўз фаолиятини прогноз қилиш, тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиш нўқтаи назаридангина эмас, балки ижтимоий контекст, у ёки бу лойиҳанинг жамоат учун аҳамиятли тарафлари доимо муҳим дея ҳисоблайдиган ОАВ ларини қизиқтира олиш учун ҳам керакдир.

Тренинг дастури олган билимларни ОАВ лари билан ишлаш давомида максимал тарзда қўллаш олиш, жамоат лойиҳалари фаолиятини ёритишни самарали ташкиллаштириш принципига асосланган ҳолда тузиб чиқилгандир.

Тренингнинг ҳар бир блоки, келажакда унинг ҳар бир иштирокчиси ўз фаолиятида қўллаб, ўтказаетган тадбирида тайёр, амалда текширилган схемалардан фойдалана олиши учун қадамма-қадам ёзиб чиқилиб, тренинг якунида барча иштирокчиларга тарқатилди.

Жумладан, назарий материални тушунтириш ва абстракт мисолларда эҳтимолий ечимлар кўргазмасидан сўнг, ахборот сабаб ва мессиж блокида тренинг иштирокчилари ўз мавзу ва ғояларини нафақат ижтимоий контекст нуқтаи назаридан, балки ОАВ лари тури ва жанрлари бўйича муҳимлиги юзасидан уларни ахборот олами орқали тарқатиш имкониятларини амалда ҳам қўллаб кўрдилар.

Амалий мисол сифатида эса, тренингда иштирок этаётган гуруҳлардан бири Қозоғистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Универсал даврий шарҳи доирасидаги Миллий ҳисоботи, ҳамда нодавлат ташкилотининг Муқобил ҳисоботини танлади. Иштирокчилар уни ахборот оламининг талаблари ва турли нашрларга мослаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар эътиборига етказиш бўйича ўз вариантларини таклиф қилдилар.

Тренинг иштирокчилари матбуот билан ишлашга нисбатан катта фарққа эга бўлган ва қатор хатарли тарафлари

мавжуд нодавлат ташкилотларининг телеканаллар билан ишлашдаги блокининг фойдали бўлганини қайд этдилар.

Бунинг долзарблиги эса, телемахсулотнинг муҳим аудитория орасида машҳур бўлгани, ҳамда нодавлат ташкилоти экспертнинг ташқи кўринишини таниқли ва оммабоп қила олиш имконияти сабаб тан олинди.

Тренинг давомида қайд этилган ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқилган обрў билан боғлиқ хатар юзасидан эга бўлган билимга алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчиларга кўра, тренинг давомида қабул қилинган маълумот ва билим, ахборот оламида мавжуд рақобат кураши доирасида уларнинг давлат сектори ва бизнесга нисбатан ютқазиб бораётган шароитларида, ОАВ лари билан муносабатларига бошқа кўз билан қарашларига ёрдам беради.

Тренинг иштирокчиларидан бири, бу каби тренинглари ўз фаолиятини энди бошлаётган ҳуқуқ ҳимоячилари баробарида, фуқаролик жамиятининг тажрибали вакиллари учун ҳам ташкил этиш муҳимлигини қайд этди. Тренинг иштирокчиларига кўра, ОАВ лари билан самарали ҳамкорлик юритмай, фуқаролик секторини ривожлантириб бўлмайди.

“Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий стандартлар аксида мактабдаги реалликлар”

мавзусидаги давра суҳбати

Бишкек шаҳри, Қирғизистон

25-26 январ кунлари Бишкекда парламент, таълим ва илм-фан Вазирлиги, ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари вакиллари, мактаблар маъмурияти ва ота-оналар иштирокида мамлакат пойтахти ва Чуй вилоятларида болаларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари борасида мавжуд муаммоларни муҳокама қилдилар. Аввал бу каби муҳокамалар Талас, Туп ва Жалолободда бўлиб ўтганди.

Бир қанча ана шундай давра суҳбатларидан сўнг, феврал ойи бошида Давра суҳбатлари доирасида ишлаб чиқилган таввсиялар парламентда муҳокама қилинади. Бундан сўнг эса, мазкур таввсиялар кўриб чиқиш учун Жогорку Кенешга тақдим этилади.

Бишкек матбуот марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида чиқиш қилган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг депутаты, Коммунистлар фракциясининг аъзоси ва Қирғизистон Республикаси болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи борасидаги



қонунчиликнинг амалга оширилиши ва риоя қилинишини ўрганиш бўйича вақтинчалик Комиссия раисаси Гулжамол Султоналиева, Қирғизистон болалар ҳуқуқига риоя қилиш ва уни таъминлаш бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олгани, аммо улар ҳар жойда систематик тарзда бузилиб келинаётганини таъкидлаб ўтди. “Шу билан бир қаторда мамлакат Конституциясида белгилаб берилган кафолатларга ҳам амал қилинаётгани йўқ. Бунга болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи мисол бўла олади”, – дея қайд этди Султоналиева.

Давра суҳбати иштирокчилари, таълим тизими тижоратлаштириб борилаётгани, бу эса Қирғизистон Республикаси Конституциясидаги барчанинг бепул таълим олишга бўлган принципларига мутлақо зид эканини айтиб ўтдилар. Ихтиёрий-мажбурий бадаллар отоналарнинг энг катта муаммоси бўлиб, шу туфайли, уларнинг баъзиларида ўз фарзандларини мактабга жойлаштириш имкони йўқдир. Муҳокама чоғида Гулжамол Султоналиева келтирган маълумотларга кўра, ўқишга қабул қилиш бўйича бадал ҳаққи мактаб ва ҳудудга қараб 2000 дан то 20 000 минг сомгача бўлса, ҳар ойлик бадал ҳаққи 200 дан то 500 гача сомни ташкил этади. “Бунга қўшимча тарзда мактабни қўриқлаш ва тозалаш учун ҳам пул олишади. Бундан ташқари, мактаблар раҳбарияти боланинг мактабга тайёргарлигини текшириш мақсадида, кичик болалар учун тест ўтказиши”, – дея қайд этди ўз чиқишида Султоналиева.

“Қирғизистон Республикаси таълим олиш муассасаларида боланинг ижтимоий мавқеи бўйича дискриминация жараёни кетмоқда, – дея қайд этди “Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар Лигаси” жамоат жамғармасининг етакчиси Назгул Турдубекова. – Мазкур вазият мактаблардаги болалар ҳуқуқини бузиш жараёни яширин бўлгани боис кескинлашиб бормоқда”. Ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари, ўқиш учун пул тўлай олмаётган болаларни рухий босим орқали ўқишдан четлаштиришга мажбурлаш ҳолатларини қайд этмоқдалар.

“Бошқа тарафдан олиб қарасак, энг яхши педагогик кадрларнинг ўз вақтида тижорат ва бошқа соҳаларга ўтиб кетгани сабабларини кўришимиз мумкин. Бугун ўқитувчилар жуда кам маош оладилар, дафтарларни тек-

шириш учун ҳукумат ойига уларга 15 сом миқдорда ҳақ тўлайди”, – деди Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш депутаты, Қирғизистон Социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Ирина Карамушкина.

“Бугун мактаблар директорлари зиммасига нафақат ўқув жараёни, балки барча моддий-техник масалаларни ечиш ҳам юкланган. Ахир мактаблар қандайдир тарзда кун кечириши керак. Директорларни бундай мажбуриятдан ҳалос этиш мақсадида, ҳозир мактаблар қошида васийлик кенгашларини ташкил этиш ишлаб чиқилмоқда”, – деди “Наше право” жамоат жамғармасининг маслаҳатчиси Калича Умуралиева.

Давра суҳбати пайтида, меҳнат мухожирлари фарзандларининг таълим олишга бўлган ҳуқуқи масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Бишкек атрофида 54 та тураржой массивлари жойлашгандир. Улар ҳудудда эса, бирорта ҳам болалар боғчаси йўқ. Аксар ҳолларда, янги турар жойга кўчиб ўтган пайти прописканинг йўқлиги, ота-оналарнинг фарзандини мактабга жойлаштириш учун бадал ҳаққи ва ҳар ойлик бадал тўлаш имкониятидан маҳрумлиги ёки синфларнинг тўлиб кетгани, боланинг бошқа мактабга таълим олиш учун ўтишида тўсиқ бўлади. Давра суҳбати чоғида, таълим вазирлиги вакиллари пойтахтда камида 19-20 та янги мактаб қуриш шарт бўлиб қолганини таъкидлаб ўтдилар.

Бишкек ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида таълим соҳасида мавжуд муаммолар аксар ҳолларда ўхшаш, аммо уларнинг ўзига яраша фарқли тарафлари ҳам мавжуд. “Агар шаҳар мактабларида болалар ўқишга танлов асосида қабул қилинсалар, биз аксинча, ота-оналардан фарзандларини мактабга олиб келишларини илтимос қиламиз”, – деди Давра суҳбати чоғида Чуй вилоятининг Исиқ-Ота туманидаги мактаб директори Раби Чекиева. Маълум бўлишича, аксар оила фарзандларининг оила шароити туфайли ишлашга мажбур бўлаётгани, уларнинг мактабга бориш имкониятини йўққа чиқармоқда.

Бундан ташқари, мамлакатда умуман мактабга бормаган болалар сони ҳам ошиб бормоқда. Султоналиеванинг айтишича, бугун Қирғизистонда мак-

таб ёшидаги 70-80 минг бола мактабда таҳсил олмайди. Дунё амалиёти бўйича мамлакатнинг таълим олишга бўлган ҳаражатлари ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 20 фоизини ташкил қилса, Қирғизистонда бу кўрсаткич 4,7 фоизини ташкил қилади.

Қирғизистон Республикаси мактабларида таҳсил олиш учун бўлган имкониятлар билан боғлиқ вазиятни яхшилаш мақсадида, Давра суҳбати иштирокчиларига қўйидаги тавсиялар таклиф қилинди: таълим олишнинг умуммиллий ғоясини ишлаб чиқиш; таълим Вазирлигининг донор ташкилотлар ва лойиҳалар билан ҳамкорлиги бўйича координация органини ташкил қилиш, ўқитувчиларни жалб қилиш бўйича янги усулларни ишлаб чиқиш, болаларни ўқитиш бўйича янги методикалар ишлаб чиқиш, мавжуд ўқитувчилар касаба уюшмаларининг самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

“Ҳозир бу мавзу илгари сурилаётгани жуда муҳим. Мамлакатда саводсиз одамларнинг илк авлоди улғайиб етди. Агар бунинг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўрилмаса, Қирғизистон ана шундай одамларнинг иккинчи авлодига эришади. Бу эса, ижтимоий зиддият ҳавфини келтириб чиқаради”, – деди Гулжамол Султоналиева.

“Ўзаро таъна ва айбашларни бир четга суриб қўйиб, конструктив ҳамкорликни бошлаганимиз қувонтирмоқда, – деди Бишкекда бўлиб ўтган Давра суҳбати чоғида Қирғизистон Республикаси таълим ва илм-фан вазири Абдулда Мусаев. – Таълим тизими шундай шакланганки, уни ўзгартириш бўйича бугун амалга оширилаётган урунишлар тезкор натижа беролмайди. Шу боис, унинг равнақ топиши учун барчамиз бугун шароит яратишимиз керак”.

“Умид қиламизки, ана шундай Давра суҳбатларидан сўнг, болаларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари билан боғлиқ вазиятга реал ўзгаришлар кирита оладиган қонуний актлар ёки ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинади”, – деди IWPR нинг Қирғизистондаги Ваколатхонаси директори Эрлан Абдилдаев.

Тадбир якунида эса, айнан ана мавзу бўйича Марказий Осиё минтақаси форматада Давра суҳбатлари ўтказиш таклиф этилди.



“Тоҷикистонлик журналистларнинг ҳуқуқий ҳимояси”

мавзусидаги давра суҳбати

Душанбе шаҳри, Тоҷикистон

5 феврал куни Душанбеда Тоҷикистон журналистлар Иттифоқининг анжуман залида “Тоҷикистонлик журналистларнинг ҳуқуқий ҳимояси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бундан сўнг эса, айнан ана шундай давра суҳбати Хўжанд шаҳрида ташкил этилди.

Тадбирда ОАВ лари, халқаро ва жамоат инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, элчихоналарнинг 50 дан зиёд вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни IWPR нинг Тоҷикистондаги Ваколатхонаси Тоҷикистон мустақил ОАВ лари Миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкиллаштирди.

Давра суҳбати иштирокчилари, давлат органи вакилларининг судга мурожаат қилиш ҳолатлари кўпайгани, ҳамда яқинлашаётган парламент сайлови арафасида журналистларни ҳуқуқий ҳимояси масаласини муҳокама қилдилар.

Тоҷикистон мустақил ОАВ лари Миллий ассоциациясининг раиси Нуриддин Қаршибоев, ОАВ лари вакилларига нисбатан кўпайиб бораётган даъво аризалари, ОАВ ларида ўз-ўзини цензура қилиш ҳолатларининг кўпайиши ва Тоҷикистондаги сўз эркинлиги даражасига салбий таъсир этишини айтиб ўтди.

Сўнги 5 йил ичида журналистлар ва ОАВ ларига нисбатан юритилган суд жараёнлари, натижада оқловчи қарорга эга бўлмагани таъкидланди. Шунингдек, мазкур прецедент бўйича ЕХХТ, Тоҷикистон Республикасидаги АҚШ элчихонаси, ҳамда Европа Иттифоқининг вакиллари ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Тоҷикистондаги АҚШ элчихонасининг сиёсий масалалар бўйича офицери Чарлз Мартин, ўз баёнотида тожик матбуотига нисбатан ўтказилаётган юридик босимдан ҳавотирда эканини билдириб ўтди. “Биз ўз ҳавотиримизни Тоҷикистон ҳукуматида етказмоқчимиз, сабаби ОАВ лари демократия тараққиётида жуда муҳим рол ўйнайди”, - дея таъкидлади Мартин.



“Бундай вазиятларнинг рўй беришида бизнинг айбимиз ҳам ор, бизнинг журналистлар ўз ҳуқуқларини жуда ёмон билдилар”, - дея таъкидлаб ўтди журналистларни хотирлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Жамғармасининг директори Мухтор Боқизода.

Муҳокама қилинаётган мавзунинг долзарблигини қайд этган Европа Иттифоқининг вакили Маҳбуба Абдуллаева, мазкур масала элчилар ва Европа Иттифоқининг Тоҷикистондаги ташкилотлари вакилларининг Душанбеда бўлиб ўтадиган учрашуви чоғида муҳокама қилинишини айтиб ўтди.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш Бюроси ҳам юзага келган вазиятга нисбатан ўз ҳавотирини билдириб ўтди. Бюро директори Наргис Зокирова, Бюро ушбу жараёни кузатиб, эксперт фикрини тайёрлашга шай эканини таъкидлаб ўтди.

Шу қаторда, давра суҳбати баъзи иштирокчиларининг фикрича, бунда журналистларнинг юридик жиҳатдан саводсиз экани, ҳамда Тоҷикистон медиаҳамжамиятининг фаол эмаслиги асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

“Азия-Плюс” газетасининг муҳаррири Марат Мамадшоевнинг фикрича, бу муаммони кенг тус олмагунга қадар, уни юқори даражада анча аввалроқ муҳокама қилиш зарур бўлган: “Ахир ОАВ ларига нисбатан мисли кўрилмаган миқдордаги даъво аризаларини келтириш инсофданми? Бундай ҳолат энди бошланганида, бонг уриш керак эди. (Яъни октябр ойида “Пайкон” газетасига нисбатан 300 минг сомони, 69 минг АҚШ доллари миқдорида даъво аризаси берилганида). Энди биз тезкор чоралар кўрмоғимиз керак”, - дея таъкидлади у.

Вазиятни ўрганиш ва журналистларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида, юрист, ОАВ лари, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ишчи гуруҳ ташкил этиш таклиф этилди.

“Тоҷикистонда ОАВ лари ва журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ягона стратегия мавжуд эмас. Шунинг учун, уни ишчи гуруҳ таркибида ишлаб чиқиш керак”, - деди “Очиқ жамият” Институти – Кўмак кўрсатиш Жамғармасининг ОАВ лари бўйича дастур координатори Руҳшона Олимова.

Давра суҳбати якунида ҳукумат, ОАВ лари, халқаро ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларига тавсиялар пакети ишлаб чиқилди.

Уларда ОАВ лари соҳасида юзага келган можароларни ҳал этиш бўйича қонунчилик механизмларини такомиллаштирмоқ кераклиги, етказилган моддий зарар учун пул ундиришнинг максимал чегаралари белгилашини кўриб чиқиш ва бошқалар алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари, муҳокама қилинган масалаларнинг долзарб ва кескинлашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, ана шу мавзудаги яна бир тадбир ўтказиш илтимоси билан IWPR га мурожаат қилдилар.

“Тоҷикистонлик журналистларга ҳуқуқий кўмак” мавзусидаги ўтказилган давра суҳбати иштирокчиларининг тавсияси.

Европа Иттифоқи кўмагида IWPR нинге Тоҷикистондаги ваколатхонаси ва Тоҷикистон мустақил ОАВ лари Миллий ассоциациясининг “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ОАВ лари орқали ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида

“Тоҷикистонлик журналистларга ҳуқуқий кўмак” мавзусида ўтказилган давра суҳбати иштирокчилари – ОАВ лари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, хориж давлатлари элчихоналарининг 40 дан зиёд вакиллари, Тоҷикистон Республикасида сўз эркинлиги ва журналистлар ҳуқуқларига риоя қилиш юзасидан вазиятни муҳофама қилиб, оммавий ахборот воситаларига нисбатан даъво аризаларининг кўпайиб бораётганидан ҳавотир билдириб, қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдилар:

Тоҷикистон Республикаси Ҳукумати ва Парламентига:

- ОАВ лари соҳасида мавжуд можароларни тартибга келтириш бўйича қонунчилик механизмларини такомиллаштириш;
- ОАВ ларига нисбатан билдирилаётган даъво аризаларидаги пул маблағларининг ўта катталиги юзасидан ҳавотир туфайли, бошқа давлатлар тажрибасида моддий зарарни қоплаш бўйича максимал чегаралар белгиланишини кўзда тутадиган қонунчилик меёрларини такомиллаштириш;
- Маълумот олиш ва сўз эркинлигига эга бўлишда, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд тизимларида миллий ва халқаро қонунчиликда кўрсатиб берилган шаффофлик ва ҳисоботлиликнинг тўлиқ таъминланиши;

ОАВ лари ва журналистларга:

- Журналистик фаолиятда ҳуқуқий ва ахлоқ меёрларига қаттиқ риоя қилиш;
- Миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқ ва Тоҷикистонда журналистик фаолиятнинг ахлоқий меёрлари асосида, журналистлар ва ОАВ ларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ягонра стратегия ишлаб чиқиш;

Медиа ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларига:

- ОАВ ларида инсон ҳуқуқлари мавзусини ёритиш бўйича ҳамкорликни яхшилаб, муносабатларни мустаҳкамлаш;
- Қонунчилик ва қонун остидаги актлар ўзаро номутанносиблигининг олдини олиш мақсадида, ОАВ лари фаолияти ҳақида қонун меёрларининг бажарилиши бўйича мониторингни амалга ошириш;
- ОАВ лари ва журналистларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш учун унинг барча йўл ва усулларни такомиллаштириш;

Халқаро ва донор ташкилотлар, хориж давлатлар элчихоналарига:

- Маҳаллий ва ОАВ ларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш стратегияларини ишлаб чиқишларида кўмак кўрсатиш;
- Тоҷикистонда ОАВ лари ва сўз эркинлигини ҳимояси учун аниқ ҳаракатлар амалга ошириш мақсадида, ОАВ лари эркинлиги бўйича вазиятни кузатиб, бу ҳақда минтақавий ва халқаро ташкилотларни хабардор қилиш.

Давра суҳбати кенгашининг иштирокчилари, жамият барча қатламларининг демократик жамиятда қонун устуворлигини ҳимоя қилган ҳолда, маълумот олиш ва сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқларини тушуниб етишларини таъмин-

лаш учун ҳукуматнинг барча давлат органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича нодавлат ташкилотлар, ҳамда журналистлар ҳамжамияти билан ҳамкорлик юритишга тайёр эканликларини билдириб қоладилар.



“Меҳнат миграцияси келтириб чиқарган болалар меҳнати”

мавзусидаги давра суҳбати

Душанбе шаҳри

18 феврал куни Душанбеда бўлиб ўтган “Меҳнат миграцияси келтириб чиқарган болалар меҳнати” мавзусидаги давра суҳбати иштирокчилари, меҳнат миграцияси мигрантлар юртлирига юбораётган пул жўнатмаларининг мамлакат иқтисодига ижобий таъсир этиши билан бирга, меҳнат қилаётган болалар сонининг ошишига ҳам салбий таъсир этганини таъкидлаб ўтдилар. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар, бошқа тенгқўрларига

хожирлари фарзандларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Албатта, ҳукумат ва парламент болалар меҳнати муаммосини ечмоғи керак. Аммо болалар муаммоси, фақат давлат зиммасига юклаб қўйилмоғи керак эмас. Бу барчамиз ва ҳар биримизга таъллуқли”, - деди давра суҳбати аввалида IWPR нинг Тожикистондаги ваколатхонаси директори Дилафрўз Назарова.

Дилором Мирсаидованинг фикрича, болалар меҳнати муаммоси бир қанча даражаларга эгадир.

“Бугун Тожикистон ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари, бу муаммога жалб қилинган болалар тоифаси ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда, бу муаммо ечимига комплекс равишда ёндошиш керак”, - деди у. Мирсаидованинг айтишича, ОАВ лари давлат тузилмалари ва фуқаролик жамиятининг болалар меҳнати олдини олиш ишларини ёритишда кўмак кўрсатишлари керак”.

Болалар бўш вақтининг фойдали ташкиллаштирилмагани ҳам, болалар меҳнатининг ошиб бораётганига яна бир сабаб бўлмоқда. “Бизнинг шаҳарда болалар майдончаси йўқ. Турар-жойлардаги майдончалар автобазаларга айлантириб юборилган, бизнинг болалар эса, ҳудди ёввойилардек ўсиб улғаймоқдалар” – деди ВВС журналисти Зарина Ҳушвахтова.

Хатлон вилоятидаги «Наджоти Кудакон» нодавлат ташкилоти раҳбари Қурбонгул Қосимова фикрича, болалар меҳнати билан боғлиқ вазият тезкор ечимни талаб этади. “Болалар жуда тез улғайишади ва уларнинг болалик муаммоларига, катталар муаммоси ҳам қўшилади”, - дейди у.

Давра суҳбати якунида қатор тавсиялар маъқулланиб, улар бу ишни давом эттириш учун тегишли вазирлик ва идоралар, ҳамда донор ва жамоат ташкилотларига юборилади. Жумладан, давра суҳбати иштирокчилари, давлат органларига мамлакат қонунчилигига “болалар меҳнати” каби тушунчани киритиш таклифини бердилар. Шунингдек, уларга кўра меҳнат мухожирлари фарзандлари учун ижтимоий ҳимоя сиёсати ишлаб чиқилиши керак. Бу ўз навбатида, меҳнат мухожирларини иқтисодий тарафдан рағбатлантириб, уларнинг ўз оилаларига нисбатан бўлган жавобгарлигини янада оширади.



Халқаро миграция ташкилотининг лойиҳалар бўйича координатори Гулчеҳра Ибрагимова, меҳнат миграциясининг болалар тарбиясига таъсири бўйича олиб борилган лойиҳалар ҳақида гапириб берди. Ички меҳнат бозорига демографик босимнинг камайиши каби ижобий оқибатлардан ташқари, салбий та-

нисбатан анча заиф, таълим олишга бўлган имкониятлари камроқ бўлиб, тез улғаядилар.

Уруш ва тинчликни ёритиш Институти (IWPR) нинг Тожикистондаги ваколатхонасининг меҳнат Халқаро ташкилоти томонидан амалга оширилаётган “Болалар меҳнатининг олдини олиш” лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этган тадбирида давлат органлари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, ОАВ ларининг 25 га яқин вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир Европа Иттифоқи кўмагида амалга оширилаётган Уруш ва тинчликни ёритиш Институти (IWPR) нинг “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ОАВ лари орқали ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида ташкил қилинди.

Давра суҳбатида узоқ вақт ота-она қарамоғисиз қолаётган меҳнат му-

рафлар ҳам қайд этилмоқда. “Болалар меҳнати даражасининг ошиши – ана шундай факторлардан биридир”, - дея таъкидлаб ўтди Ибрагимова.

Унга кўра, Тожикистонда болалар меҳнатидан асосан қишлоқ хўжалиги, ҳамда иқтисоднинг ноформал сектори бўлмиш бозор ва вокзалларда фойдаланилади.

“Баъзи ноинсоф тадбиркорлар, болалар меҳнати жуда қулай эканини аллақачон тушуниб етдилар, - дейди у. – “Ёш ишчиларга кам ҳақ тўлаб, улар ҳуқуқи бузилаётгани ҳақида ўйламаслик ҳам мумкин. Яъни аксар ҳолларда ёш болалар ўз ҳуқуқлари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар ва болалар ҳуқуқи ҳозирча қоғоздагина бўлиб, амалда улар ҳуқуқи жуда кам ҳолларда ҳимоя қилинапти”.

Тожикистон ҳукумати қошидаги болалар ҳуқуқи бўйича Комиссия раисаси



Давра суҳбати иштирокчиларининг тавсиялари

Сўнги йиллар давомида ўтказилган тадқиқотлар, меҳнат миграцияси болалар вазияти, хусусан уларнинг таълим олишга ва болалар меҳнатининг кенг тарқалишига жиддий таъсир ўтказишини кўрсатди. Фуқароларнинг мамлакат ташқарисига чиқиб кетишининг кескин кўпайиши кузатилган 90-йиллар ўртасида эса, болалар меҳнати кўламининг ошиши ва унинг энг салбий кўринишлари пайдо бўлиши кўпайди. Тирикчилик учун мамлакатни тарк этган ота ва акалар ўрнига, меҳнат бозорларига аёл ва болалар чиқа бошладилар.

Давра суҳбати иштирокчилари, миграция ва бошқа жараёнлар келтириб чиқарган болалар меҳнати каби кўриниш олдининг олиншини ўта муҳим дея ҳисоблайдилар, ҳамда қўйидаги тавсияларни таклиф этадилар:

Тожикистон Республикасининг давлат органларига:

- Мамлакат қонунчилигига “болалар меҳнати” каби тушунчанинг киритилиши;
- Меҳнат мухожирлари фарзандлари учун ижтимоий ҳимоя сиёсатини ишлаб чиқиш орқали, меҳнат мухожирларини иқтисодий тарафдан рағбатлантириб, уларнинг ўз оилалари, айниқса фарзандларига нисбатан бўлган жавобгарлигини янада ошириш;
- Қашшоқликка қарши-кураш, таълим тизими, хусусан ноформал ўқитиш тизимини мустаҳкамлаш, болалар бўш вақтини ташкиллаштириш, ҳамда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш каби оила ва меҳнат қонунчиликларининг бузилиши учун жавобгарликка тортиш кабилар орқали болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш;
- Фуқаролик жамиятининг катта қисмини жалб қилиш, шу жумладан, Қашшоқликни Камайтириш ва Тожикистон Тараққиёти Миллий Стратегиясининг амалга оширилиши мониторинги орқали болаларни мажбурий меҳнатга жалб қилдиришдан ҳимоя қилиш бўйича идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш;
- Миграциянинг болалар меҳнатига таъсири, ҳамда мигрант ота-оналар билан мамлакатни тарк этаётган болаларга ташқи миграция таъсирини ўрганишга қаратилган умуммиллий тадқиқотлар ўтказиш;

Нодавлат ташкилотлар ва ОАВ ларига:

- Давлат органларига аҳоли, хусусан мигрантларнинг болалар ҳуқуқи, миграция жараёнининг болага бўлган салбий таъсири ва меҳнатнинг энг номақбул бўлган кўринишларига болани жалб қилиш унинг жисмоний, ахлоқий ва ижтимоий тараққий этишига бўлган салбий таъсирлари ҳақида хабардорлигини оширишда кўмаклашиш;
- Болаларни мажбурий меҳнат, айниқса унинг энг номақбул бўлган кўринишларидан ҳимоялашга қаратилган Тожикистон Республикаси ва халқаро меёрлар ҳақида аҳоли орасида ташвиқот ишларини яхшилаш;
- Болалар ҳуқуқига риоя қилиш ҳолатлари бўйича мустақил мониторинг ишларини давом эттириш, ҳамда ижтимоий рекламадан кенг фойдаланган ҳолда болалар ҳуқуқининг бузилиши, жумладан болалар меҳнати каби масалаларга давлат органлари ва жамоатчилик эътиборини қаратиш;
- Фуқаролик жамияти билан ўзаро маълумотлар алмашиш орқали болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорликни янада яхшилаш.

Халқаро ташкилот ва донорларга:

- Давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг қашшоқликка қарши-кураш, Тожикистондаги болалар ҳуқуқи билан боғлиқ вазиятни яхшилаш ва болалар меҳнати олдини олиш халқаро дастурларига жалб қилиш орқали мамлакатдаги болалар меҳнатининг олдини олишда маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш;
- Ёш аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича инқироз марказлари ва ёрдам кўрсатиш хизматлари олиб бораётган лойиҳаларни кейинчалик давлат органлари ихтиёрига ўтказиш мақсадида, давлат тузилмаларини қўллаб-қувватлаш;
- Қашшоқликни Камайтириш Стратегияси ва Тожикистон Тараққиёти Миллий Стратегиясининг мониторинги амалга оширилиши учун фуқаролик жамиятини жалб қилдириш йўлида давлат органларини рағбатлантириш;
- Мигрант, аёл ва болалар вазиятини яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳалар учун ажратилаётган донор маблағларининг сарфланиши бўйича мониторинг ва бошқарувни кучайтириш.





ВЯЧЕСЛАВ АБРАМОВ: ҚОЗОҒИСТОНГА ИСЛОҲОТЛАР ЎТКАЗГАНИ ҲАҚИДА ГАПИРИШ ЭРТА

MediaNet Халқаро журналистика марказининг директори Вячеслав Абрамов, Қозоғистоннинг ЕХХТ га раислиги вақтида мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари вазияти борасида гапириб берди.



2010 йилда Қозоғистоннинг ЕХХТ га раислиги бошланди. 2007 йили Мадрид шаҳрида мамлакат ташқи ишлар вазири Марат Тажин, Қозоғистоннинг демократия йўналиши бўйича камчиликлари олди олинishi бўйича мамлакат мажбуриятларини таъкидлаб ўтганди. Қозоғистоннинг ўз мажбуриятларини нечоғлик бажаргани, ЕХХТ га раислик қилаётган мамлакатда инсон ҳуқуқлари вазияти ва юз берган бошқа ўзгаришлар ҳақида MediaNet Халқаро журналистика маркази директори, "Марказий Осиёда Озодлик Овози" инсон ҳуқуқлари порталининг бош муҳаррири Вячеслав Абрамов гапириб берди.

IWPR: Сиз инсон ҳуқуқлари бузилиши масаласини доимий равишда ёритиб келасиз. Сизнингча Қозоғистонда уларнинг қай бири энг долзарбдир?

Абрамов: Авваломбор, бу сиёсий ҳуқуқ ва фуқаролик эркинликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Маданий ва иқтисодий масалалар билан боғлиқ қатор камчиликлар мавжуд. Агар энг долзарб муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсак, буларга сўз эркинлиги, тинч намоишлар ўтказиш ва бирлашмалар тузиш, қийноқдан озод бўлишга қаратилган ҳуқуқларни киритиш мумкинлигидир.

Менинг фикримча, мамлакатда тўлаонли демократия ҳақида гапиришнинг имконияти йўқлиги, фикрлар плюрализми мавжуд эмаслиги, фуқароларга нима бўлишидан қатъий назар танлаш ҳуқуқи берилмагани, буларнинг барча-

си, сиёсий ҳуқуқни катта зарба остига кўяди.

Қозоғистон "демократия" каби "инсон ҳуқуқлари" ҳам нисбий тушунча бўлиб қолган классик кўринишдаги авторитар давлатга айланиб бормоқда. Бу жуда яхши ниқоб вазифасини ўташи мумкин. Аммо мамлакатда фикр, ифода, намоишлар, ҳаракатланиш эркинликларига тўлиқ риоя қилинапти дея айтиб бўлмайди.

IWPR: Сиз асосий муаммолар орасида тез-тез бузилиб келаётган ҳуқуқлардан бири, бу қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи эканлигини айтиб ўтдингиз. Бизнинг мамлакатда бу каби қонунбузарликлар кўлами қандай? Бунга қандайдир мисоллар келтира оласизми?

Абрамов: Қозоғистон дунё амалиётида истисно бўлган давлат эмас. Дунёнинг қайсидир бир давлатида қийноқлар олди олинган дея айтиб бўлмайди. Қозоғистонда ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан қийноқ кўллаш таҳминий фактлари қайд этилмоқда. Аммо энг асосийси, ҳуқуқ ҳимоячилари уларнинг катта қисмини рўйхатга ололмаптилар.

Аксар ҳолларда, бизда қийноқлар полицияда бўлиб ўтаётган дастлабки терговда гумон қилинаётган кишидан жиноят содир этганлик бўйича кўрсатма олиш вақтида кўлланилади.

Бу бўйича яхши натижалар кўрсатган тадқиқотлар ўтказилган. Қозоғистон Ички ишлар вазирлиги академияси-

нинг биринчи курсида таҳсил олаётган аксар талабалар, қийноқ, бу жиноят экани ва одамни қийнаб бўлмаслиги ҳақида гапиришади. Ўша талабалар тўртинчи курсга ўтган пайтлари эса, қийноқ кўллаш мумкинлиги ҳақида айтишади. Улар амалиёт вақтида, полициячилар қандай ишлаётганини кўриб, 800 граммлик китоб ёки жиноий кодексга бўлган тушунтириш тўплами билан одам бошига уриш, қийноқ эмаслигини тушунишади. Афсуски, уларга бу ҳам қийноқнинг бир тури эканини ҳеч ким тушунтирмайди. Соғлиққа етказилган оз миқдордаги зиённи, ваҳший муносабат дея талқинлаш мумкинлигини ҳам тушунтиришмайди.

IWPR: Мавжуд вазиятдан чиқишнинг қандай йўллари мавжуд? Нега мамлакатда шундай вазият юз бермоқда?

Абрамов: Асосий сабаб, бу жазо кўлланилмаслигидир. Ҳуқуқ-тартибот органларининг жуда кам ҳодимлари қийноқ кўллагани учун жавобгарликка тортилади. Бундайлар сони шунчаки кам эмас, улар сони жуда кам. Бироқ қиноилар кўлланилаёпти ва бу тан олинган фактдир. Ва қийноқлар кўлланилишидан ташқари, улар авжига чиқаётган тузилмалар ҳам мавжуд.



БМТ нинг қийноқларга қарши Комитети бир қанча тавсиялар бериб, улар орасида “қийноқлар қўллаш юқори даражада экани”, “қийноқлар қўлланишига мутлақо бефарқлик” кабилар қайд этилганди. Бу ҳолат эса, президент қийноқлар қўллашга йўл қўйилмаслиги кераклигини таъкидлаётган пайти юз бермоқда. Бундай сиёсий баёнот ҳуқуқ-тартибот органининг ҳар бир ҳодими, қийноқ қўллашга алоқадор бўлган ҳар бир фуқарога етиб бориши керак. Қозоғистон эса, бундай чидам-лиликни кўрсата олмаяпти. Бундай баёнот билан чиққан амалдор эса, бу Олий суд раисидир.

Қозоғистон судлари қийноқ қўлланилгани ҳақидаги аризаларга эътибор қаратмайди. Яъни улар бу ҳолатни текшириб кўриш учун йўл бермайдилар. Судлар одамга нисбатан қийноқ қўлланилгани ҳақидаги аризаларга умуман эътибор қаратмайдилар. Қандайдир бир “корпоратив бирдамлик” мавжуд бўлиб, унда расмий органлар ўзларининг одамлари амалга оширган нарсаларни яширишга ҳаракат қилади. Ҳозир Қозоғистонда айнан ана шундай вазият шаклланмоқда.

Бугун болалар уйи, интернет ва қариялар уйларида қийноқ қўлланилгани бўйича сигналлар келиб тушмоқда. 2007 ва 2008 йиллари Media Net, Қозоғистон Халқаро инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш Бюроси, Freedom House ва Марказий Осиёдаги қатор ташкилотлари, “Марказий Осиёда қийноқлар олдини олиш” номли лойиҳани амалга оширгандилар. Қозоғистонда мазкур лойиҳа доирасида, қийноқ қўлланилгани бўйича 600 дан зиёд шикоят аризаси келиб тушганди. У ҳам бўлса, ҳуқуқ ҳимоячилари олдига етиб келганларгина, бу ҳақда маълум қилганлар. Аммо ичкарида нималар бўлаётганидан ҳеч ким хабардор эмас.

Ноябр ойида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Қозоғистон қийноқлар доимий қўлланиладиган давлат эканини тан олди. Бу суд деярли олти йил давомида Киев шаҳрида ҳибсда сақланаётган Қозоғистон фуқаросини юртига қайтаришни ман қилди. Европа суди ўз қарорига, мамлакатда ҳибсда бўлган аксар кишиларга нисбатан қийноқ қўлланишини сабаб сифатида келтирди. Бу эса, фуқароларимизни ўз давлатларидан ҳимоя қилаётганларини англади. Бундай ҳолатда улар жуда тўғри иш тутаяптилар. Бунда Европа судига,

Қозоғистон қийноқлар олдини олишга нисбатан жуда кам ишларни амалга ошираётганини тан олгани учун миннатдор бўлиш керак.

IWPR: Жовтис ва Мухтор Жакишев ишлари мамлакат имиджига қандай таъсир этиши мумкин?

Абрамов: Менинг фикримча, бундай ишлар мамлакат обрўсига жуда катта зарар етказди. Бу икки ишда ҳукуматнинг одамларни озодликдан маҳрум этиш нияти нечоғлик кучли эканини кўриш мумкин. Жакишев ишида эса, ҳукуматнинг одамни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларини кўриш мумкин. Бундай ишларни кўриб, ҳукуматнинг одамларни атайлаб йўқ қилаётганига амин бўлиш мумкин. Жовтис ишида гап унинг айбдор ёки айбдор эмаслиги ҳақида кетаётгани йўқ. Бунда гап суднинг адолатсизлиги, унинг мавжуд барча ҳуқуқий меъёрларни бузганлиги ҳақида кетмоқда. Жовтисга нисбатан ҳукм чиқариб бўлингач, унга 659 та сўз қўшиб қўйилганди. Суд вафот этган йигитнинг қариндошлари Жовтисни афв этганлари, у билан ярашганларини ҳам инobatта олгани йўқ.

Фикрлаш қобилиятига эга бўлган мамлакат ичкараси ва ташқарисидаги одамлар буларнинг барчасини кўрганларидан сўнг, улар онгида жуда ҳам кувноқ бўлмаган бир сурат шаклланади. Ҳукумат анчагина қонунбузарликларга йўл қўяётганини кўрган одамлар эса, унинг ҳақиқатни излашга ҳаракат қилаётганига ишонмайдилар. Бунда гап фақат одамни атайлаб йўқ қилишга бўлган ҳаракат ҳақида кетмоқда.

IWPR: Қозоғистон ЕХХТ раиси бўлишга нечоғлик ҳақли?

Абрамов: Мен унинг нечоғлик ҳақли ёки ҳақсиз экани ҳақидаги саволга жавоб беришим қийин. Сабаби, мен ЕХХТ раислиги масаласи Фарб ва Шарқ ўртасидаги бир савдо предмети бўлган дея ўйлайман. Қозоғистон эса, керакли вақти ва керакли жойда бўлиб қолди. Қозоғистон Марказий Осиёда етакчиликни қўлга киритиш учун кўп ҳаракатларни амалга оширди, биз иқтисод масаласида кўп ютуқларга эришдик. Аммо инсон ҳуқуқлари, демократия ҳақида гапирганда эса, ўйлашимча, Қозоғистоннинг бу соҳаларда мақтанадиган ҳеч бир сабаби йўқ. Бу қадар кўп қонунбузарликларга йўқ қўяётган мамлакатни ўрнаткичи сифатида келтириб бўлмайди.

IWPR: 2007 йили Мадрид шаҳрида ЕХХТ нинг ташқи ишлар вазирларининг учрашуви чоғида Қозоғистоннинг ўша пайтдаги ташқи ишлар вазири Марат Тажин, Қозоғистон ҳуқуқий тизимида амалга оширилиши бўйича режалар ва мажбуриятлар ҳақида гапириб берганди. Ўша ваъдалар қанчалик бажарилди деб ўйлайсиз?

Абрамов: Жорий йили сенат спикери Қосимжўмарт Тоқаев, Қозоғистон ҳеч қандай ваъдалар бермагани, ўша ҳодиса эса, бу шунчаки ташқи ишлар вазирининг мамлакат жамиятини демократлаштириш бўйича уринишлари ҳақида қилган чиқиши бўлганини таъкидлаб ўтди. Табиийки, Қозоғистондан бирор бир нарсани талаб қилиш мушкул.

Мен ўша ваъдаларнинг бирортаси ҳам амалга оширилмаган дея ўйлайман. Ўша мажбуриятларда белгилаб берилган сайлов, партия, ОАВ лари, ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги барча қонунларга озгина ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг асл вазиятига ҳеч бир таъсир ўтказгани йўқ.

Масалан, агар аввал, сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун 50 000 одам қўли керак бўлган бўлса, ҳозир 40 000 киши қўли кифоя. 16 миллион аҳолиси бор мамлакат учун бу жуда катта кўрсаткич. Шу қаторда, партияни ташкил этиш жараёни қийинлашди. Айнан мана шундай вазият ОАВ ларида ҳам кузатилмоқда. Бунда шахсий ҳаётни бузганлик учун беш йиллик жиноий жавобгарлик ўрнатилди. Ёки Интернет ҳақидаги аёвсиз қонун қабул қилиниб, бу орқали сўз эркинлигига деярли цензура ўрнатилмоқда.

Қозоғистонга ислохотлар ўтказгани ҳақида гапириш эрта. Бу эса, ЕХХТ Қозоғистон ўз аниқ бир ислохотлар ўтказмаган тақдирда, нималар бўлиши ҳақида огоҳлантирмагани боис юзага келди. Бир партиявий парламентга эга бўлган мамлакатга ЕХХТ ни бошқариш имкон берилгани кўп нарсдан далолатдир. Масалан, Қозоғистон жазосиз қолиши мумкинлигини тушуниб етди, шу боис ҳеч бир сезиларли ўзгаришларни амалга оширгани йўқ.

Мен Қозоғистон ҳеч бир ислохотни амалга оширмайди, ЕХХТ эса унинг раислигидан на бир фойда ва на бир зарар кўради дея ҳисоблайман.

Наталья Наполская, Қозоғистон



Сардар Багишбеков

**ҚИЙНОҚЛАР
КЎПАЙГАНИ
ЙЎҚ, ШУНЧАКИ
ОДАМЛАР
УЛАР ҲАҚИДА
ГАПИРИШДАН
ҚЎРҚМАЙ
ҚЎЙДИЛАР**

Қирғизистонда қийноқларга қарши-курашиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аммо фуқаролик жамияти фаолларининг ташаббуслари, ҳукумат кўмагисиз қолиб кетмоқда. Қийноқлар қўлланиши борасидаги вазият, бу ёвузликка қарши кураш истиқболлари ҳақида кўп йиллар давомида қийноқ қурбонлари ҳимояси ва улар реабилитацияси билан шуғулланиб келаётган “Озодлик овози” жамоат жамғармасининг раҳбари Сардар Багишбеков гапиради.



IWPR: Қирғизистонда қийноқлар қўлланиши бўйича вазият ҳақида нима дея оласиз?

Сардар Багишбеков: Қийноқлар тизимли характерга эга бўлиб, бу муаммо йил сайин ечилмай қолаяпти. Уларнинг олдини олиш бўйича ишлар жуда кам натижа бермоқда. Қийноқлар қўлланиши бўйича фактлар тез-тез рўйхатга олинмоқда, аммо бу улар сони кўпайганидан далолат эмас. Қийноқлар доимо қўлланиб келинган. Ҳозир жамиятда қийноқлар қўлланилгани бўйича фактлар борасида шикоят аризалари билан мурожаат қилиш маданияти ошиб бормоқда холос.

IWPR: Қайси бошқармаларда қийноқлар қўлланиши кенг тарқалган ва нима сабаб?

Багишбеков: Сўнги маълумотларга кўра, қайд этилган барча қийноқлар қўлланилгани бўйича фактларнинг 90 % ички ишлар ҳодимлари томонидан ҳибсга олинган пайтнинг илк 48 соати давомида ва ҳибсга олинган, гумон қилинаётган, айбланаётганларга нисбатан суд томонидан жазо чораси бўйича ҳукм чиқаришдан аввал амалга оширилади. Сўнг тергов жараёнида бундай ҳолатлар юз бергани кузатилаяпти.

Қийноқ қўлланишининг асосий сабаби, бу ҳибсга олинган ёки учинчи шахсларга нисбатан кўрсатма олишга муваффақ бўлишдир. Энг кўп тарқалган қийноқлар, бу дўппослашдир. Одамларни шундай дўппослашадик, охир-оқибатда улар жон беришади. Бошга пакет кийдириш, электрошок қўллаш, руҳий босим каби шавқатсиз қийноқлар тури ҳам мавжуд. Улар одам баданида из қолдирмайди, аммо шу орқали ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари керакли кўрсатма олишга муваффақ бўладилар. Бундай қийноқлар қўллаш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.



IWPR: 2003 йили Қирғизистон Жиноий кодексига “Қийноқ” деган модда киритилганди. Бу мавжуд ҳолатни ўзгартира олдимми?

Багишбеков: Жиноий кодексга ана шу модда киритилганидан бери, унинг асосида бирорта ҳам суд ҳукми чиқарилгани йўқ. Бу факт. Соқулук тумани, Жалолобод ва Норин вилоятларида учта жиноий иш кўзғатилганди. Аммо уларнинг бирортаси бўйича ҳам ҳозирча ечим чиқарилгани йўқ.

IWPR: Нега бу модда ишламаяпти?

Багишбеков: Бунинг ҳуқуқий ва сиёсий сабаблари бор. Ҳукумат ўз обрўсига путур етказиш ва қийноқлар бўйича статистика юриштишни истмаяпти. Доимо статистикага рўқач қилиб, бизда қийноқлар йўқлигини айтиш мумкин. Бунинг ҳуқуқий муаммоси шундаки, “Қийноқ” деган моддада қийноқларга аниқ тушунтириш киритилмаган. Ва шунинг учун, мутахассисларга жиноят таркибини аниқлаш ва айнан мана шу моддада кўрсатилганлар содир бўлганини исботлаш жуда қийиндир. Бундан ташқари, мазкур моддани қўллаш амалиёти мавжуд эмас. Прокуратура моддани эгаллаб турган лавозимини суистеъмол қилганликда айблашда қўллаяпти. Бу анчагина қаттиқ модда, “Қийноқ” моддаси эса, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириб, унга нисбатан амнистия актлари тегишлидир.

IWPR: У ҳолда эгаллаб турган лавозимини суистеъмол қилганлик моддаси бўйича қамаш ўринлидир?

Багишбеков: Биз ҳам мазкур моддани фойдаланамиз. Фақат “Қийноқ” ҳақидаги модда ишламаяпти деб бўлмайди. Бу моддага жиноят таркиби бўйича ўхшаш моддалар ҳам ишлатилмаяпти. Қийноқ қўллаш ва кўрсатма олишда ваҳший усуллар қўллаш учун жазолаш тизими умуман ишламаяпти.

IWPR: Бу тизим ишлаши учун нималарни амалга ошириш керак?

Багишбеков: Биз Жиноий кодекс ва Жиноий-процессуал кодексларга қатор ўзгартишлар тайёрламоқдамиз. Балки улар мавжуд вазиятни ўзгартира олар. Жумладан, қийноқ қўллаганлик учун

жазони кучайтириб, уларни ўта оғир жиноятлар тоифасига киритиш, ҳамда уларга амнистия қўлланмаслигини таъкидлаб ўтиш таклиф қилинмоқда.

IWPR: Қандай одамларга нисбатан энг кўп қийноқ қўлланилаяпти ва уларга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин?

Багишбеков: Кўп ҳолларда қийноқлар жамиятнинг энг заиф қатлами, яъни пул беришга қурби етмайдиган ва ҳимоячиси бўлмаганларга нисбатан қўлланилаяпти. Ёши катталар ва болалар, эркаклар ва аёллар, қонун билан мурсога бормаган ва аксинча, жуда кўп жиноят содир этганлар, бунда ҳеч қандай истиснолар йўқ. Барчаси кўрсатма олаётган ва ички ишлар ҳодимининг инсонпарварлигига боғлиқ. Аёлларга нисбатан алоҳида қийноқлар қўлланилади, яъни бунда уларнинг аёллик ифратига урғу бериш, жинсий зўрлаш, зўрлаш билан қўрқитиш қўлланилади. Амалиёт, ҳаттоки ҳомиладорлик ҳам қийноқлар қўлланишидан сақлаб қолабмаслигини кўрсатмоқда.

Қийноқлар қурбонларини реабилитация қилиш жараёни жуда мушкул жараён. Одамлар руҳияти ва онгида муаммолар пайдо бўла бошлайди. Бизнинг ташкилотда қийноқлар қурбонларини реабилитация қилиш дастури мавжуд. Қийноқдан зарар кўрган одамларга кўмак кўрсата оладиган руҳшунос, психотерапевт, ижтимоий ишчилар бор. Бундай дастурлар керак ва одамларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш керак.

Реабилитация жараёни 6 ойдан ва кўпроқ муддатга чўзилиши мумкин. Баъзиларда эса, у бир неча йил давом этиши мумкин. Барчаси одамнинг ўзига боғлиқ. Мен одамга оғриқ келтирган ва уни мазаҳ қилган кишини жазога тортиш, қийноқ қурбонларига энг яхши малҳам бўла олади дея ўйлайман. Шу қаторда, бу вазиятда жамият кўмаги ҳам муҳим. Одамлар бирор киши вақтинчалик тергов изоляторида бир неча соат ўтирган бўлса, у ҳали жиноятчи эмаслигини тушуниб етишлари керак. Ва унга нисбатан тамға босмасликлари шарт.

IWPR: Баъзи амалдорлар парда ортида қийноқлар мавжудлигини тан олишади. Ҳукумат бу муаммони ечиш учун бирор-бир ҳаракатни амалга оширяптими?

Багишбеков: Қийноқларга қарши курашда, уларнинг олдини олишга ҳаракат қилаётган омбудсмен фаолияти, озодликдан маҳрум қилиш ва эркинликни чеклаш жойларида доимий мониторинг юритаётган алоҳида депутатлар фаолиятини белгилаб ўтиш мумкин. Масалан, парламент депутати Алишер Мамасалиев мониторинг натижаларини тез-тез эълон қилиб туради. Прокуратура қийноқ қўллангани каби фактларга кам эътибор қаратади. Аслида эса, бу масалалар билан айнан мана шу орган шуғулланиши керак.

Ҳуқуқ-тартибот органларининг амалдорлари бўлмаган кишилар муаммо мавжудлигини тан олишади, аммо муаммо ечимига ҳар бир кишининг ўз муносабати бор. Баъзилар, бунга лойиқ бўлган жиноятчи ва террористларни қийнашяпти дея ўйласалар, баъзилар бундай усуллар демократик давлатга ҳос эмаслигини тушуниб етадилар.

IWPR: Сизнингча қийноқлар олдини олишга қаратилган Миллий механизмнинг қабул қилиши билан, бу борадаги вазият ўзгарадими?

Багишбеков: Қийноқлар олдини олишга қаратилган самарали Миллий механизм ишлаб чиқишига умид бор, албатта. Бунда мамлакат ҳукуматнинг сиёсий иродаси жуда муҳим. Биз бу ҳақда қанчалик кўп гапирмайлик, аммо “тепадан” буйруқ келмагунча, ҳуқуқ-тартибот органлари бунга қаршилик кўрсатаверадилар. Яхши қонун бўлиб, аммо сиёсий ирода бўлмаган тақдирда, барчаси бефойда. Шунчаки, мониторинг гуруҳларининг экспертларини ҳеч ким ҳеч қаерга киритмайди.

Маълумотнома:

Қийноқлар олдини олишга қаратилган Миллий механизм фуқаролик жамияти фаолларининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши вазиятини мониторинг қилиш мақсадида, озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жойларига (колония, вақтинчалик тергов изолятори ва бошқа маҳсус муассасаларга) доимий ва эркин кира олишини кўзда тутди. Халқаро мажбуриятларга кўра, Қирғизистон ушбу механизмни 2010 йилнинг январ ойи охирида амалда тадбиқ этиши керак.

Ирина Кузнецова, Бишкек, Қирғизистон



**ФОТОСУРАТЧИ
УМИДА
АҲМЕДОВА
ЎЗБЕК ҲАЛҚИГА
ТУҲМАТ
ҚИЛГАНЛИҚДА
АЙБДОР
ТОПИЛДИ**



2010 йилнинг 10 феврал куни ўзбек халқига “туҳмат” ва “ҳақорат қилганлик»да айбланган таниқли фотосуратчи ва кинотасвирчи Умида Аҳмедова устидан ҳукм чиқарилди.

Ҳукмга кўра, суд судланувчини Ўзбекистон Жиноий кодексининг 139 “Туҳмат” ва 140 “Ҳақорат” моддалари бўйича айбдор дея топди ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати қарорига биноан Аҳмедовага нисбатан амнистия қўллаш ечимига келди.

Суд маҳкамаси журналист, ташқи сиёсий бошқарма вакиллари ва ҳуқуқ ҳимоячилари иштирокида очиқ равишда ўтказилди.

Суд жараёнида иштирок этган Ўзбекистон мустақил инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов, ушбу жанжалли иш ҳақида IWPR саволларига жавоб берди.

**Сурат Икромов:
“УЛАР УМИДАНИ ОСОНГИНА
ОҚЛАЙ ОЛМАСДИЛАР, ШУ
БОИС УНГА НИСБАТАН
АМНИСТИЯ ҚўЛЛАДИЛАР”.**



IWPR: Суд жараёни қандай бўлиб ўтди?

Икромов: Суд 9 феврал куни бўлиб ўтди ва эртаси кечки пайти ҳукм ўқилди.

Умида Аҳмедова адвокати келтирилган барча расмий илтимослар қабул қилингани йўқ.

Энг кулгулисид шундаки, суд маҳкамасида Умиданинг суратлари ва фильми бўйича хулоса берган ва уларни “ҳақорат” дея келтирилган учта эксперт дея аталувчи шахс иштирок этди. Энг қизиқарлисид эса, ушбу экспертлар фотосуратлар ва кинотасвир бўйича мутахассис эмаслар ва бу ҳақда ташуунчалари ҳам йўқлигини тасдиқлаб ўтдилар.

Аммо бу буюртма иш бўлиб, экспертлар бунда шунчаки иштирокчи ролини ўтаб бердилар. Суд маҳкамасида бошқа гувоҳлар иштирок этгани йўқ. Ўйлашимча, суд бунга эҳтиёж ҳам йўқ деган қарорга келган.

Менинг фикримча, бу иш тафсилотлари бутун дунёга тарқалиб кетди, шунинг учун ҳукумат ҳавотирга тушиб, ҳукми тезда эълон қилиб қўйди. Бу судянинг ҳатти-ҳаракатларида ҳам пайқалди. Менинг кузатишларим бўйича, у ўзига жой тополмай, ўзини беҳаловат сезди.

IWPR: Нега суд маҳкамаси очиқ тарзда бўлиб ўтди? Ахир сўнгги ярим йил давомида, мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар кўпгина суд маҳкамаларида иштирок этишга қўйилмагандилар...

Икромов: “Тухмат” ва “Ҳақорат” моддалари очиқ суд жараёнини кўзда тутади. Суд оз бўлса-да айбни топишга умид қилган, аммо уларнинг ўзлари бундай фикрда эмасликлари кўриниб турди. Ҳукм жуда тез вақт ичида тайёр қилинди.

IWPR: Сизнингча Умидани дарҳол амнистия қилганлари остида қандай сабаблар бор?

Икромов: Амнистия унинг айбини бекор қилмаслиги баробарида, уни оқламайди ҳам... Амнистия, бу суднинг судланувчи айбини тан олиб, унинг ҳукумат томонидан авф этилганидан далолатидир. Адвокат жиноят таркиби бўлмагани боис, Аҳмедованинг бутунлай оқланишини сўради, ахир жиноят

таркибининг ўзи йўқ эди-да. Суднинг ўзи ҳам унинг айбини исботлай олмади. Суд залида Умида Аҳмедованинг иккита ўн беш дақиқалик киноленталари намойиш қилинган пайти, суд маҳкамасида иштирок этганлар биланд овозда: “Ажойиб лента!” дея ҳайқира бошладилар.

IWPR: Суд Умида Аҳмедовани оқлаган тақдирда нима бўларди?

Икромов: Терговчи ва прокурор фаолиятига нуқта қўйилиб, улар бу жиноий ишни қалбакилаштирилганлари учун жавобгарликка тортилган бўлардилар. Умида ҳибсда сақланмаган бўлса-да, унга нисбатан қопланиши шарт бўлган руҳий ва моддий зарар етказилди. Айтганча, ўзбек қонунчилиги бўйича амнистия бир маротаба берилади ва Худо сақласин, агар ҳукумат унга нисбатан яна бир бор айб билдирса, унда амнистия қўллаб бўлмайди. Нима бўлганда ҳам, қамоқ жазосини ўташига тўғри келади.

IWPR: Аксар экспертлар, Умида Аҳмедова устидан суд жараёни келажакда ҳукуматнинг эркин фикрловчи ва журналистларга нисбатан ҳатти-ҳаракатини белгилаб беради, деган таҳминни илгари сургандилар. Бу суд маҳкамаси ўзгача фикрловчиларга қарши-курашда якуний нуқта бўлади, деган фикрлар ҳам келтирилганди. Бу вазиятга сиз қандай изоҳ берган бўлардингиз?

Икромов: Ўзбекистонда ўзгача фикрловчиларга нисбатан кураш давом этади. Ҳукумат ҳудди 1937 йили (Сталин қатағонлари) пайтида бўлганидек, санъат ва маданият арбоблари ҳаётдаги рўёликлар ҳақида сюжет олишдан қўрқишлари ва мустақил бўлмасликларини кўрсатиб қўймоқчи.

Амалдаги режим ҳаттоки сиёсат билан боғлиқ бўлмаганларнинг ҳам мустақил фаолиятини тўхтатиб қўймоқчи. Шунинг учун биз Умида Аҳмедова билан ҳаммуаллифликда фаолият юритган унинг турмуш ўртоғи ва яқинда суд маҳкамаси бўлиб ўтиши кутилаётган спорт шарҳловчиси Ҳайрулло Ҳамидовдан ҳам ҳавотирдамиз.

Бу бошқаларга нисбатан, эҳтиёт бўлинг қабилидаги бир огоҳлантиришдир.

IWPR нинг Марказий Осиёдаги ходимлари



Вячеслав Мамедов: “ТУРКМАНИСТОНДА ПАРТИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҚАТАҒОНЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН”



18 феврал куни бўлиб ўтган Туркменистон вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида президент Қурбонқули Бердимухамедов, янги партиялар, жумладан муҳолифатдаги партияларни ташкил этишга чақириб, “истаганлар” бўлса, бундай партия жорий йили рўйхатдан ўтказилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Келажакдаги партиялар барча давлат амалдорлари, жумладан президент аъзо бўлган мамлакатдаги ягона ҳукмрон Демократик партияга рақобатдош бўлмоқлари керак.

Туркман муҳолифат партиялари қувғинда бўлиб, улар хориж мамлакатларида фаолият юритмоқдалар.

Туркменистонда кўп партиявий тизим ташкил этиш нечоғлик ҳақиқатга яқин экани ва бунинг нима сабаб кераклиги ҳақида IWPR га берган интервьюсида, диссидент, айти пайтда Нидерландияда яшаётган Туркменистон Фуқаролик Демократик Иттифоқининг раҳбари Вячеслав Мамедов гапириб берди.

NBCA: Президент партиявий қурилиш учун деярли старт берди. Сизнингча ушбу чақириқдан сўнг қандай ҳолат юз беради?

Вячеслав Мамедов: Ушбу чақириқдан сўнг, ҳудди Россияда бўлгани каби ҳукмрон партиялар ташкил этиш бошланади. Бу фикрлар мамлакатда фикрлар плюралиزم мавжудлигини кўрсатиш учун керак. Сабаби сўнгги йигирма йил ичида, Туркменистон мамлакатда кўп партиявий тизим йўқлиги учун танқидга учраб келди. Шунинг учун, эҳтимол қандайдир партиялар ташкил этилар, аммо тизим бир партиявийлигича қолаверади.

NBCA: Нега бунчалик кескин оҳангда айтаяпсиз?

Мамедов: Сабаби бугун Туркменистонда сиёсий партиялар ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун ҳеч қандай шароит йўқ. Биринчидан, ҳуқуқий база, “Сиёсий партиялар ҳақидаги” Қонун йўқ. Балки ҳукумат Конституцияда ёзилган изоҳларнинг ўзи етарли дея ўйлар (фуқаролар сиёсий партия тузишга ҳақли дея ёзиб қўйилган 30 модда).

Иккинчидан, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятда сиёсий партия ташкил этиш ақлга сиғмас иш. Ахир партия ташкил этилишига либераллаштириш жараёни сабаб бўлмоғи керак. Айти пайтда, дунёнинг барча бурчакларига сочиб юборилган жамиятнинг ўша фаол қисми бўлмиш сиёсий қочқинлар Туркменистонга қайтарилиши керак. Бизда “Ватан” ва Туркменистон Республика партияси каби хорижда рўйхатдан ўтказилган муҳолифатдаги партиялар мавжуд. Аммо, афсуски, барча ҳозирги вазиятда мамлакат ичкарисида фаолият юритиб бўлмаслигини тушуниб етади.

Сиёсий партияларнинг нормал фаолиятини таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари, митинг ва намойишлар ўтказиш эркинлиги таъминланиб, сиёсий маҳбуслар озод этилиши керак.

NBCA: Сизнингча айнан шулар сиёсий партиялар фаолияти учун муҳим? Масалан, қўшни Ўзбекистонда етарли миқдорда партиялар мавжуд, аммо сиз айтиб ўтган сўз, намойишлар эркинлиги йўқ, сиёсий маҳбуслар эса, қамоқда қолиб кетмоқда....

Мамедов: Гап айнан шу ҳақда кетмоқда. Ўзбекистонда мавжуд пар-

тияларнинг мамлакат ривожига ҳеч қандай таъсири йўқ. Шунинг учун Туркменистондаги партиялар ҳам ҳукмрон бирлашмалари даражасида қолиб кетади.

NBCA: Сизнингча туркман жамияти кўп партиявий тизимга нечоғлик тайёр?

Мамедов: Фуқаролик жамияти йўқ жойда кўп партиявий тизим ташкил қилиб бўлмайди. Фуқаролик жамияти пайдо қилиб, кўп партиявий тизим учун асос ташкил этиш учун эса, камида беш йил керак бўлади. Айти пайтда, мавжуд вазият шундайки, аҳоли чинакам жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳақида умуман тушунчага эга эмас. Мамлакат ичида қолган кам сонли фуқаролик жамияти фаоллари эса, махфий хизмат ҳодимларининг ўлжасига айланиши мумкин. Қатағон йиллари янчиб ташланган ва йигирма йил ичида атайлаб йўқ қилиб борилган фаол фуқаролик жамияти ташкил этилмагунча, кўп партиявий тизим ташкил этиш ҳақидаги гап-сўзлар қоғозда қолиб кетаверади.

Бундан ташқари, партиялар ташкил этиш маълум бир тайёргарлик муддати талаб этилиб, бу вақт оралиғида мамлакат ва унинг халқи мавжуд қўрқувдан ҳалос бўлмоқлари керак. Қатағонга учраш, таъқиб қилиниш ва озодликдан маҳрум этилиш қўрқувидан. Ҳозирча буларнинг барчаси амалда мавжуд.

NBCA: Сиз Туркменистон ҳудудида партия ташкил этишининг ҳақида баралла айта олармидингиз?

Мамедов: Йўқ, албатта, мавжуд шароитда мен бу ишга қўл урмаган бўлардим. Ахир ҳукумат мамлакат ичкарисида партия ташкил этиб, муҳолифатчи сифатида фаолият юритиш истагида бўлганлар ва бу ишни удда-лай оладиганлар хавфсизлиги таъминланишига ҳозирча кафолат беролмайдилар. Агар бирор-бир мард киши бунга журъат этса, у қатағонга учраши мумкин. Ҳукумат унинг топшириғисиз партия ташкил этишга журъат этган одамни қамаш учун исталган баҳона топиши мумкин.

Инга Сикорская, IWPR муҳаррири





Қозоғистонда исломчиларга нисбатан босим

Ҳукумат радикализм ва фаолияти хавфли дея айблаётган тарқоқ диний гуруҳларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқда.

Қозоғистон ғарбида исломий жамоат тарафдорлари расмийлар томонидан таъқибга учраётганлари ҳақида маълум қилмоқдалар; айни пайтда ҳуқуқ ҳимоячилари ҳижратга кетган жамоат аъзолари ватанга қайтгач,

бири Марғулан Мухамбетовнинг 2009 йил октябрида бадарға қилиниши кенг кўламли депортациялардан олдин қилинган “синов” бўлган бўлиши мумкинлиги юзасидан хавотир билдирилган.

миздан манипуляция қиляпти, - деди у. – Бу бизнинг динимизга зиддир, шу сабабдан ҳам Қозоғистондаги “Тоза дин” муҳолиф гуруҳ сифатида пайдо бўлди. Аммо биз тинчлик тарафдори бўлган одамлармиз ва ҳеч ким билан рақобатлашмаймиз”.



улар ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигини айтмоқдалар.

Қозоғистон расмийлари “Тоза дин” жамоатини экстремистик қарашларга мойилликда гумон қиладилар ва бу жамоатга эҳтимолий таҳдид ўлароқ қарайдилар.

Сўнги йилларда “Тоза дин” жамоатининг 200 чоғли вакили Чехия Республикаси расмийларига бошпана сўраб мурожаат қилганлар, бироқ улардан кўпчилигига Европа мамлакатларидан доимий бошпана бериш рад этилган. Ҳуқуқ ҳимоячилари, агар бу қочоқлар Қозоғистонга қайтгудек бўлса, таҳдидга учраши мумкинлигини айтмоқдалар.

Қароргоҳи Прагада жойлашган Озод Европа / Озодлик радиоси 18 феврал куни ёйинлаган мақоласида Чехия Республикасида қолиш ҳуқуқини олган қозоғистонликлардан ташқари бу мамлакатдан бошпана излаётган қочоқларга доимий равишда депортация қилиниш хавфи остида қолаётганини қайд этган. Мақолада, шунингдек, бу жамоат аъзоларидан

Озод Европа / Озодлик радиоси Словенияга қочиб келган уч оиладан биттаси пировардида 2009 йилнинг декабр ойида бошпана ололганини қайд этади.

Қозоғистондаги сунний мусулмонлар ҳам “Тоза дин” жамоати аъзоларининг аксарияти каби Ислоннинг ҳақиқий тамойилларига содиқ эканларини таъкидласалар-да, улар расмий диний

идора – Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси таркибида эмаслигини айтадилар ва масжидларга бормайдилар.

“Тоза дин” аъзоларини сунний ислоннинг фундаменталистик оқими бўлмиш салафияга эргашувчи кишилар, дея атайдилар; гарчи улар Тожикистон худудида бўлган бу гуруҳга хос айрим жиҳатларни маъқулласалар-да, бу номни ўзларига нисбатан қўлламайдилар. Салафийларнинг кўп кишилик жамоатлари Қозоғистон ғарбидаги Атирау ва Манғистау вилоятларида истиқомат қиладилар.

IWPR “Тоза дин” вакили бўлган Алихан (у ўз фамилиясини очиқлашдан чўчиди) билан суҳбатлашди. У ўзи мансуб бўлган жамоатнинг таъқиб қилиниши сабабини бу жамоатнинг расмий диндан мустақил бўлганида, деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, давлат назоратида бўлмаган ҳамма нарса ноқонуний топилади, бу ҳолат динга ҳам дахлдордир. “Расмий диний ташкилотлар моҳиятан давлат мафкурасини тиқиштирадилар. Яъни ҳокимият шу йўл билан бизнинг усти-

Москвадаги “Мемориал” ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамияти Марказий Осиё дастурлари директори Виталий Пономарёв “Тоза дин” аъзоларининг Қозоғистон расмийларидан хавфсиратишига тўла асос борлигини айтади.

Ислон фундаменталистлари деб гумонланган кишилар иштирокида яқинда бўлиб ўтган қатор суд жараёнлари Қозоғистон хорижида қарийб сезилмасдан ўтиб кетди. Ўтган йил сентябрида Ақтўба вилоятидаги бошқа бир норасмий ташкилотнинг олти аъзоси “террорчилик тадбирини режаланганлик”да айбланди. Тадбир ташаббускори деб тахмин қилиниб, 17 йилга озодликдан маҳрум қилинган Азамат Каримбаев декабр ойида қамоқхонада қаза топди.

Азаматнинг беваси Айман Озодлик радиосига унинг эри ўзлари яшаган қишлоқда масжид қурилишини ташкил қилганини айтади. 12 феврал куни мамлакат пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган суд террорчиликда айбланган икки киши устидан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Россияда экстрадиция қилинганди.

Сентябр ойида “Тоза дин”да етакчи рол ўйнаган тадбиркор Серикбай Латипуллаев 3 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди, у ноқонуний қурол олиб юрганлик ва банг моддаси сақлаганликда айбланди.

Унинг қариндошлари айблов сохта эканлини, аслини олганда Латипуллаевни диний эътиқоди учун қамашганини айтдилар.

“Серикбай 2003 йилда ўз маблағига масжид қурганди. У ўз атрофига кўплаб тақводор мусулмонларни тўплаганди,



- дейди судланганнинг қариндоши Шари-пулла Сайфуллин. – Биз экстеримист ҳам, радикал диндор ҳам эмасмиз. Биз тинчлик-севар мусулмонлармиз, биз аждодларимиз динига, тоза динга амал қиламиз”.

Оиланинг бошқа аъзолари катта муаммолар туғилишидан чўчиб, бу иш ҳақида гапиришни истамайдилар.

“Латипуллаев ҳукм юзасидан шикоят қилмай, уч йил қамоқда ўтиришга қарор қилди, - деди Латипуллаевнинг исми ошкор этилишини истамаган адвокатларидан бири. – У шартли равишда муддатидан аввал озодликка чиқиш ҳуқуқига эга. Агар омади келса, у 1 йилдан сўнг озодликка чиқади”.

1996 йилда “Тоза дин” жамоатининг Атирау ва Манғистаудан бўлган 200 га яқин аъзоси ўз мамлакатида таъқибга учраётганларини айтиб, Чехия Республикасидан сиёсий бошпана олиш учун ариза топширганлар.

Бугунги кунда уларнинг қарийб барчасига рад жавоби берилган.

Қочқинлар Чехия расмийлари уларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишаётганини айтиб, ўтган йилнинг феврал ойида

ўзларига нисбатан инсонийроқ муносабат талаби билан Прага марказида митинг ўтказганлар.

Лондонда яшовчи қозоғистонлик ҳуқуқ ҳимоячиси Ержан Дўсмухамедов Чехия Республикасини бошпана изловчи шахсларга шафқатли муносабатда бўлишни талаб қилувчи халқаро конвенциялар бўйича ўз мажбуриятларига бажармаганликда айблайди. Унинг фикрича, Чехия расмийлари октябр ойида Мухамбетовни депортация қилинишига сабаб бўлган келишув шартларини очиклашлари лозим.

“Бу одам сиёсий қочқин бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳужжатларга мувофиқ, у нодемократик режим қўлига топширилиши мутлақо мумкин эмасди”, - деди Дўсмухамедов.

Мухамбетов Олмаота шаҳар аэропортига келиши билан ғойиб бўлган ва ўшандан буён ундан ҳеч қандай хабар йўқ. У қўлга олинганми ёки яширинганми – IWPR буни аниқлай олгани йўқ.

Даянат Ердешев Қозоғистондан ўз оила билан бирга қочган. Бундан аввал у маҳаллий

журналистларга август ойи охирида уйда унинг хотинини калтаклаганларини айтиб берганди. Унинг хотини ҳужум қилган икки кишини таниб қололмаган, аммо Ердешовнинг бу кишилар фуқаролик кийимини кийиб олган махсус хизмат ходимлари эканига имони комил.

Бу воқеани кузатиб борган маҳаллий журналист Азамат Майтанов: “Ердешовнинг менга маълум қилишича, унинг рафиқаси билан содир бўлган нохуш воқеа уни Миллий хавфсизлик қўмитаси туман бўлимидан сўроқ қилганларидан бир неча кун ўтиб содир бўлган. Даянатнинг сўзларига кўра, унинг хотинини қамоққа тикиб қўйиш таҳдиди билан, уларда Ердешовлар оиласининг барча аъзолари устидан маълумотлар борлигини айтиб дўппослаганлар... Шунинг учун у Европага қочиб кетди, аммо унинг қаёққа қочгани номаълум. У билан алоқа узилган”, деди.

Ердешов яшаган Қурманғазӣ тумани бўйича диний экстремизмга қарши кураш бўлими бошлиғи Марат Шамбиллов унинг одамлари аёлни калтаклаганлари ҳақидаги маълумотни рад этади. У бу иш бўйича ўзида ваколат йўқлигини айтиб, шарҳ беришдан тийилди.

Қозоғистон расмийлари “Тоза дин” жамоати ҳозирги – тан олинмаган мақомда фаолият юритишга ҳақи йўқлигини таъкидлайдилар. Ғарбий Қозоғистон адлия департаменти диний ишлар бўйича бўлими бошлиғи Надежда Голубир барча диний ташкилотлар қонун асосида фаолият юритишлари учун улар расмий рўйхатдан ўтишлари шартлигини айтади.

“Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлайдиган ва ўз фаолиятини яширин тарзда олиб борадиган диний ташкилотлар қонундан ташқари ҳисобланади.”

«Религиозная организация, уклоняющая от регистрации и проводящая свою деятельность в подпольных условиях, находятся вне закона. (Бундай ташкилотларнинг) фаолияти бўйича кескин чоралар кўрилади”, - дейди у.

Сиёсатшунос Андрей Чеботарев расмийлар, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари асосий оқимдан (мейнстримдан) ташқаридаги диний ташкилотларга ёпишишни одат қилишган, Қозоғистонда бу расмий исломий тузилмалар ва Рус православ черковидан ташқари истаган ташкилотга эътироз билдиришни англатади.

“Улар салафийлар деб аталувчи кишилар тимсолида янги душман тимсолини яратишга уринаётгани эҳтимолдан ҳоли эмас”, - деди Чеботарев.

**Артур Нугметов,
Уральск шаҳри, Қозоғистон**





Қирғизистон: журналистлар хавфсизлиги юзасидан хавотирлар

Аёвсиз ҳужумлар медиаҳамжамиятни ҳаракатга чорламоқда.

Қирғизистонлик журналистларга нисбатан амалга оширилган аёвсиз ҳужумлар тўлқини журналистлар, шунингдек, маҳаллий ва халқаро ташкилотларни қаттиқ хавотирга солди.

Медиа вакиллари Қирғизистон расмийлари, улар фикрича, журналистларга қарши жиноятларни текшириш ва айбдорларни жавобгарликка тортишга қодир эмаслиги юзасидан ташвиш билдирдилар.

Қирғизистон журналистлар ассоциацияси маълумотларига кўра, сўнгги тўрт йил мобайнида қирғизистонлик журналистлардан камида 58 нафари ҳужумга учраганлар.

Айни пайтда Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги 2005 йилдан 2009 йилгача журналистларга нисбатан амалга оширилган 28 та ҳужум қайд этилганини, улардан 23 таси бўйича жиний иш очилгани, 5 таси эса кўриб чиқилмаганини билдирди.

Қирғизистонлик журналистларга қилинган ҳужумнинг сўнгги қурбони 22 декабр куни касалхонада жон берган Геннадий Павлюк бўлди. У касалхонага қўллари орқасига боғланган ҳолда кўп қаватли уй ойнасидан пастга ташлаб юборилганидан кейин тушиб қолганди.


Бу воқеа қўшни Қозоғистоннинг молиявий пойтахти бўлмиш Олмаотада содир бўлди. Қозоғистон полицияси мазкур иш улар томонидан қотиллик сифатида кўрилатганини билдирди.

Қозоғистоннинг КТК телеканали Қирғизистон миллий хавфсизлик хизмати-нинг уч ходими журналист билан учрашув тайин қилганини ва қотиллик содир бўлган хонадонда у билан бирга бўлгани ҳақида хабар тарқатди. Қирғизистон Давлат миллий хавф-

сизлик хизмати матбуот хизмати бу маълумотни инкор қилмоқда.

Павлюк билан ҳамкорлик қилган одамлар журналистнинг ўлимини унинг Қирғизистондаги фаолияти билан боғладилар, у бу мамлакатда веб-сайт яратиш билан шуғуллаётганди.

“Ата Макен” муҳолифат партияси лидери Ўмурбек Текебаев Озод Европа / Озодлик радиосига журналист ўлимидан сал аввалроқ у билан веб-сайт яратиш бўйича режаларни муҳокама қилиш учун учрашганини айтган.



Текебаев atameken. kg сайты, айрим оммавий ахборот воситалари хабар қилганидай, партиянинг расмий “карнай”и бўлмай, балки мустақил веб-сайтга айланиши керак эди, дея таъкидлаган.

“Мен бу сиёсий сабабга кўра амалга оширилган жиноят, деб ўйлайман, - дея иқтибос келтиради Текебаевдан Озодлик. – Бу Қирғизистондаги сўз эркинлигини чеклаш мақсадида амалга оширилган ҳужумлардан яна биридир”.

Текебаев, шунингдек, Павлюк ўлимидан аввалроқ “янги ислохотлар ҳақиқий мазмун-моҳиятини тушунтираркан”, Қирғизистон ҳукуматини

танқид қилган бир неча мақола ва интервьюлар эълон қилганини айтди.

Қирғизистондаги “Медиа-вакил институти” нодавлат ташкилотидида ишловчи Ақмат Алагушев мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари журналистларга нисбатан қилинган ҳужумлар билан боғлиқ жиноятларни очиши шартлигини айтди.

“Бу мамлакатдаги сўз эркинлиги жиноятларнинг қандай текширилатганини айбдорларнинг қандай жазоланаётганига боғлиқ бўлади”, дер экан у жиноятчиларнинг жазосиз қолиши журналистлар хавфсизлиги жабҳасидаги ҳар қандай ўнгланишларга тўсиқ бўлишини қўшимча қилди.

Қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш комитети халқаро нодавлат ташкилоти Павлюк ишини назорат остига олди.

“Бу текширувда икки томон-лама ҳамкорликсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Биз Қозоғистон терговчиларини ўз хатти-ҳаракатларини қирғизис-тонлик ҳамкасблари билан мувофиқлаштиришга чорлаймиз ва Қирғизистон ҳукумати бу ишда ҳар томонлама ёрдам беришини талаб қиламиз”, дея билдирди кўмитанинг Европа ва Марказий Осиё дастурлари мувофиқлаштирувчиси Нина Огниянованинг билдиришича.

IWPRнинг қирғизистонлик журналистларга ҳужумлар юзасидан вазиятга шарҳлаб бериш илтимосига жавоб берган Президент котибиятининг ўзаро ҳамкорлик хизмати раҳбари Илим Қарипбеков қирғиз расмийлари сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаётганини айтди.



“Биз деморатик тамойилларга асосланган давлат қурмоқдамиз, сўз эркинлиги ташвиқ қилмоқдамиз, - деди у. – Биз журналистлар хавфсизлиги таъминланган бўлиши ва оммавий ахборот воситалари ходимларига нисбатан амалга оширилган барча ҳужумлар очилишидан манфаатдормиз”.

Қарипбеков журналистларга ҳужум бўйича барча ҳолатлар билан ҳуқуқ-тартибот идоралари шуғулланаётгани, котибият эса уларнинг ишини кузатиб турганини билдирди.

“Биз жамоатчиликни терговнинг бориши ҳақида хабардор қилиб туришга ҳаракат қиламиз, айти пайтда биз муаммони ҳал қилиш учун барча манфаатдор томонларни кучларни бирлаштиришга чақирамиз, - деди Қарипбеков. – Биз медиаҳамжамиятдан жавоб қадамларини, биринчи навбатда, расмийларга қарата айтилаётган асоссиз айбловлар ўрнига конструктив таклифлар ва муаммони ҳал қилиш йўлларини кутиб қоламиз”.

Павлюкнинг ўлими декабр ойининг ўзида қирғизистонлик журналистлар билан содир бўлган учинчи нохуш ҳодиса бўлди.

Россиянинг “Росбалт” ахборот агентлиги Бишкекдаги мухбири Александр Евграфов ўтган йилнинг декабр ойида Қирғизистон пойтахтида калтаклаб кетилган.

Орадан бир неча кун ўтиб, Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳрида чиқадиган “Ўш оқшоми” газетаси таҳририятига таҳдидлар битилмиш хат ва Калашников автомати ўқи солинмиш конверт келган.

Мустақил журналистлар Алишер Соипов (2007 йилда) ва Алмаз Ташиев (2009 йилда) эса ўлдириб кетилди.

Ўшда ишлаган таниқли журналист Алишер Соипов кўчада отиб кетилган. Ўзбек миллатига мансуб бўлган журналист кўшни Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини танқидий нуқтаи назардан ёритиши билан танилган “Сиёсат” газетасининг асосчиси эди.

Бир қатор ахборот агентликлари ва “Ағим” газетаси билан ҳамкорлик қилган мустақил журналист Алмаз Ташиев янги паспорт олиш учун милиция

идорасига келганда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан дўппосланган. Бу ўлимлар ортидан ҳеч ким жавобгарликка тортилмади.

Шу билан бир қаторда, “Репортер” газетаси мухбири Сирғақ Абдилдаев пичоқланди; давлат телекомпанияси журналисти Қайрат Биримқулов калтакланди; НБТ телеканали журналисти Гулмира Уметалиева тан жароҳати олди ва камераси синдирилди; шунингдек, сиёсий шарҳловчи Александр Князев тўналди, унинг ноутбуки ва пулларини ўмариб кетдилар.

2005 йилдан буён камида олти журналист ўз ҳаёти учун хавфсираганларидан сиёсий бошпана излаб мамлакатдан чиқиб кетдилар. “Журналист” жамоатчилик ташкилоти раҳбари Марат Тўқўев сўзларига кўра, журналистларни кўпроқ ҳужумларнинг аёвсизлигию бунинг одатий ҳолга айланиб бораётгани хавотирга солмоқда.

“Мен журналистларга нисбатан амалга оширилаётган ҳужумлар сони кўпайиб бораёпти, деб айтолмайман, аммо бу ҳужумларнинг характери ўзгариб бораётгани шубҳасиз... Ҳужумлар тобора аёвсизроқ бўлиб бораёпти, бунинг натижасида журналистлар касалхонага тушаяптилар ва ҳатто нобуд бўлаяптилар”, - деди у.

Тўқўев ўз ташкилоти журналистларга нисбатан амалга оширилаётган ҳужумларнинг реал миқдорини аниқлаш ва бу жиноятлар қурбонларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки бўлмаганини ўрганиш мақсадида Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари, шунингдек ҳуқуқшунослар, милиция ҳамда журналистлар билан биргаликда иш олиб борганини айтди.

Юзага келган вазият ЕХХТнинг Бишкекдаги марказини журналистлар хавфсизлигини 2010 йил учун устивор йўналишлардан бирига айлан-

тиришга ундади. ЕХХТнинг Бишкекдаги маркази раҳбари ўринбосари Лилиан Дарий IWPРга берган интервьюсида унинг ташкилоти “журналистлар ўз ишини тўла масъулият билан, ўч олиш ва қўрқитишлардан чўчимасдан бажара оладиган шароит яратишга кўмаклашмоқчи” эканини таъкидлади.

У ЕХХТ миссияси журналистларга ҳуқуқ ёрдам кўрсатиш ҳам бу масала юзасидан аҳолининг кенг қатламлари ўртасидаги баҳс-мунозараларни қўллаб-қувватлашни режалаштираётганини айтди.

“Бунинг натижаси ўлароқ ЕХХТ Қирғизистон ҳукуматини яна бир бор ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили ёмон дея баҳолаган мавжуд вазиятни тузатишга чақиради”, - деди Дарий.

Тўқўев ЕХХТнинг журналистлар хавфсизлиги устивор жабҳалардан бири экани ҳақидаги баёнотини маъқуллади, бироқ бу муаммо барча томонлар ҳамжихат бўлиб ишлаганидагина ҳал бўлиши мумкинлигини айтди.

“Босим ва таҳдидларга қарши туриш учун журналистлар жипслашишлари, яхлит кучга айланишлари шарт”, - деди у.

Асил Ўсмўналиева, Қирғизистон



ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ҚИЙНОҚЛАР БҮЙИЧА ИШ ТУБ БУРИЛИШ ЯСАШИ МУМКИН

Отмена приговора, вынесенного на основании признаний, добытых силой, может стать поворотным достижением в борьбе против пыток. Однако еще предстоит получить компенсацию за причиненный ущерб и добиться судебного преследования виновных в применении и сокрытии пыток.

Қийноқлар остида айбига иқроқ қилдириш асосида чиқарилган ҳукмининг бекор қилиниши, қийноқларга қарши курашда муҳим ютуқ сифатида хизмат қилиши мумкин. Аммо аввалига етказилган зарар учун товон пули ундириб, қийноқ қўллаган ва қийноқ қўлланилганини яширган шахсларнинг суд томонидан жазога тортилишига эришиш керак.

Милиция томонидан қўлга олиниб, иқроқнома олиш мақсадида калтакланган Павел Злобин иши, афсуски, Марказий Осиёдаги камдан-кам учрайдиган ҳодиса эмас. Шунга қарамай, Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳрида истиқомат қилган 37 ёшли бу йигит милиция ходимларини судга берган ва уларни ўзига нисбатан қийноқ қўллаганликда айблаган киши сифатида тарихда қолиши мумкин.

Злобинни банг моддалари сотганликда айблаётгандилар, бироқ Олий суд унга нисбатан оқлов ҳукмини чиқарди. Эндиликда у ҳуқуқ-тартибот идоралари, прокуратура ва унинг жароҳатлари ҳақида хабар бермаган тиббиёт ходимларидан 5 миллион сўм (қарийб 115 минг АҚШ доллари) миқдорида маънавий зарар ундирилишини талаб қилмоқда.

2008 йилнинг март ойида Злобин ҳибсга олинганидан сўнг уни вақтинча сақлаш ҳибсхонасига олиб кириб қўйганлар.

Унинг онаси Валентина Злобина ўғлининг қийноқларга дучор қилинаётганини айтиб, ҳуқуқ ҳимоячиларига бу ишга аралашши илтимоси билан мурожаат қилган. “Справедливость” ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти айбланувчи учун адвокат топиб

берган, Валентинанинг ўзи эса Қирғизистон қонунларига мувофиқ айбланувчи номидан иш кўрадиган непрофессионал адвокат - “жамоатчи ҳимоячи” сифатида чиққан.

“Менинг ўғлимни ҳақиқатан ҳам содир этган жиноятлари учун бир неча марта судлаганлар ва мен уни ҳеч қачон ҳимоя қилган эмасман, - деди “Справедливость” ташкилотига мурожаат қилган Злобина. - Аммо мен унинг банг моддалари сотганига ишонмайман”.

Тергов чоғида Злобин айбини бўйнига олган, аммо кейинроқ иқроқлик кўрсатмаларини қийноқлар остида берганини билдирган.

2008 йилнинг октябр ойида Жалолобод шаҳар суди Злобинга қарши келтирилган далиллар “процессуал меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда олингани” учун уларни асоссиз деб топиб, уни оқлаган.

Злобиннинг ўзи Жалолободга иш излаб келганини, унинг ёнига милиция ходимлари келиб, ҳужжат кўрсатишни талаб қилган пайтда у кўчада бирор ишга ёлловчи одамни кутиб турганини айтади.

Унинг ёнида ҳужжатлари бўлмаган, бу эса Злобиннинг шахсини аниқлаш учун уни милиция участкасига олиб кетили-

шига сабаб бўлган. Милиция участкаларига олиб келганларидан кейингина уни наркотик савдосида айблаганлар.

Терговчининг сўзларига кўра, Злобиннинг ёнидан каттагина полиэтилен халтага солинган икки килограмм героин топилган.

Шаҳар суди дастлабки тергов чоғида йўл қўйилган кўплаб қонунбузарликларни аниқлаган.

Судда икки гувоҳ қиз, жинойи иш материалларида кўрсатилганидек, Злобин қўлга олинган жойда бўлмаганларини билдирдилар.

Даставвал Злобинга қарши гувоҳлик берган бу гувоҳларнинг ўзлари судда милиция ходими буйруғи билан кўрсатма берганларини ва уларни тергов чоғида гўё сўроқ қилган терговчини аввал мутлақо кўрмаганларини тан олганлар.

Олинган маълумотлар ва судья Қамчибек Илиязов чиқарган ҳукмга қарамай, прокуратура апелляция аризасини берган ва иш кейинги инстанция – Жалолобод вилоят судига ўтган. 2008 йилнинг декабрида вилоят суди оқлов ҳукмини бекор қилиб, Злобинни 16 йилга озодликдан маҳрум қилган.

“Справедливость” ташкилоти кўмағида Валентина Злобина Қирғизистон президенти Қурмонбек Бакиев, мамлакат бош прокурори ва Олий суд раисига очиқ хат билан мурожаат қилган, бу эса оммавий ахборот воситалари ўртасида катта шов-шувни юзага келтирган. 2009 йилнинг март ойида Олий суд тергов материалларини “сохта-



штирилган” деб топиб, вилоят суди ҳукмини бекор қилган.

Айбсизлиги исботланганидан кейин Злобин ва унинг оиласи адолатни тиклаш тараддудига тушганлар.

“Ҳақиқат қарор топди, аммо биз жуда кўп овора бўлганимиз ва асабларимизни йўқотганимиз учун ўғлим ишни сохталаштирган ва уни тергов чоғида қийнаганлар билан судлашишга қарор қилди”, - деди Валентина.

“Справедливость” ташкилотидан ишловчи Абдумалик Шарипов Злобиннинг иши кўп жиҳатлари билан ўзига хос ягона иш эканини айтади.

“Биринчидан, иш тўлалигига ютилди. Иккинчидан, ҳуқуқ ҳимоячиларида терговчиларни қийноқлар ҳақидаги модда бўйича жавобгарликка тортиш имконияти пайдо бўлди: ишда Олий суд ҳукми, тиббий экспертиза қарори ва энг муҳими – қийноқ қурбонининг охиригача курашиш истаги бор”, - деди у.

Товон ундириш учун курашнинг биринчи босқичи унча муваффақиятли яқунланмади. 2009 йилнинг ноябр ойида Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳар суди Злобин фойдасига 50 минг сўм (тахминан 1200 АҚШ доллари) ундирилиши ҳақида қарор чиқарди.

Суд қароридан томонларнинг ҳеч қайсиси қониқмади. Жалолобод вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳам, ўз талаби тўлалиги қондирилишини талаб қилган Злобиннинг ҳимоячилари ҳам апелляция тартибидан ариза топширдилар. Иккала шикоят аризаси ҳам Ўш вилоят судига топширилди.

Товон тўлаш ҳақидаги талаблардан ташқари адвокат Саидкамол Аҳмедов Злобинга қийноқ қўллаган милиция ходимларига нисбатан тергов ўтказиш илтимоси билан Жалолобод вилоят прокуратурасига мурожаат қилди.

Прокуратура милиция ходимлари “аллақачон интизомий жавобгарликка

тортилган”ини маълум қилиб, жиноий иш очиш талабини рад этди.

Аҳмедов бу масалани шундоқлигича ташлаб қўймоқчи эмас.

“Биз Злобинга қийноқ қўллаган милиция ходимларининг жазоланишига эришиш учун республика Олий судигача, зарур бўлган тақдирда эса, БМТнинг инсон ҳуқуқлар бўйича кўмитасигача боришга тайёрмиз, - деди у. – Қийноқ қўлланганини исботлаш учун зарур далиллардан ташқари бизнинг қўлимизда Злобинга нисбатан қийноқ қўлланганини тан олган Олий суд қарори ҳам бор”.



Қирғизистонда қўлга олинган шахсга нисбатан қийноқ қўлланганини исботлаш осон иш эмас. Қийноқ қўлланишини таъқиқловчи модда жиноий ишлар бўйича қонунчиликка 2003 йилда киритилган, аммо, Шариповнинг сўзларига кўра, ҳали бу модда бўйича ҳеч ким жавобгарликка тортилгани йўқ.

“Биз Злобин иши милиция ходимлари қийноқлар учун жазо олган биринчи ишга айланишига умид қилаяпмиз, - деди Аҳмедов. – Бунинг учун бизда барча имконият бор, фақат қийноқлар ҳақидаги модда ниҳоят ишлай бошлаши учун давлат раҳбарларида сиёсий ирода етишмаяпти, холос”.

Илья Лукашов, Қирғизистон





ТОЖИКИСТОНЛИК ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ҚАЙДГА ОЛИШ ИНСТИТУТИ БЕКОР ҚИЛИНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

Тоҷикистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари истиқомат учун мажбурий рухсатномаларни бекор қилиш бўйича кампания олиб бормоқдалар. Улар фикрича, бу фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига зиддир.

Ўтган йил кузидаёқ ЕХХТнинг Варшавадаги демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси мажлисида Инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиниши бўйича Тоҷикистон офиси яшаш жойидан қайдга олишни бекор қилинишига чақирди.

Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг ҳуқуқшуноси Сергей Романов сўзларига кўра, ЕХХТнинг ўша мажлисидан кейин Конституцияга зид келувчи мазкур тизимда, унинг фикрича, кўп нарса ўзгаргани йўқ.

Тоҷикистон ҳудудида яшаётган барча одамлар маҳаллий милиция бўлимида “прописка” – расмий яшаш жойи ҳақида қайддан ўтиши лозим. Қайд белгиси паспортда муҳрдан иборат бўлиб, ишга кириш, болаларни мактабга жойлаштириш ва шу каби фуқароларнинг давлат институтлари билан ўзаро алоқасининг бошқа шаклларида зарур белги ҳисобланади.

Прописка институти аҳоли ҳаракатланишини назорат қилиш ва айниқса қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оммавий равишда кўчиб кетишининг олдини олиш учун Совет Иттифоқи пайтидаёқ ташкил этилганди. Бунақа тенденция мустақил Тоҷикистонда ҳам сақланиб қолган бўлиб, бу мамлакат пойтахти Душанбе ҳам пул топиш истагида бўлган қишлоқдаги ишчиларни ўзига тортиб туради. Уларнинг омадлороқлари, агар Душанбеда доимий яшаш жойига эга бўлган қариндошлари бўлса ёки агар турар-жой сотиб олиш имконияти бўлса, шаҳарда қайддан ўтиши мумкин. Аммо кўпчилик қайд белгисида бирор узоқ қишлоқда яшаши кўрсатилган бўлишига қарамасдан, шаҳарда яшайди ва ишлайди.

Қайд белгисининг йўқлиги жиноят сифатида кўрилади, милиция эса қайд белгисида кўрсатилганидан бошқа манзилда яшовчи ёки ҳеч қанақа қайд белгиси бўлмаган шахсларни аниқлаш учун ҳужжат текшириш ваколатига эга.

Қайд белгиси бўлмагани учун Тоҷикистон фуқаролари ва чет элликлар 37 АҚШ долларигача жарима тўлаши шарт бўлгани ҳолда қайд белгисига эга бўлмаган фуқароларни ишга ёлловчи иш берувчилар 160 долларгача жарима тўлаши лозим.



Бу миқдор жарималар ўртача иш ҳақи ойига 60 АҚШ долларини ташкил қилувчи мамлакат учун сезиларли сумма бўлиб ҳисобланади.

Прописка билан боғлиқ бўлган қонунбузарликлар амалда ўз хоҳиш-истакларига кўра одамларни тутиб, пора олганларидан кейингина уларни қўйиб юбориши мумкин бўлган милиция ходимлари учун манфатли даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

37 ёшли Абдуҳалим IWPRга Сўғд вилоятининг шимолида

жойлашган ўз қишлоғида иш бўлмагани учун пойтахтга келганини айтди. Душанбеда у электрик бўлиб ишга кирган ва ижарага уй олган. Қўнларнинг бирида Абдуҳалимнинг олдига участка милиционери келиб, Абдуҳалим ва унинг оила аъзоларида қайд белгиси йўқлигини аниқлайди. У Абдуҳалимни участкага олиб кетади, аммо кейин 11 доллар миқдоридagi пора эвазига уни қўйиб юборади.

Хонадон эгаси ҳам Абдуҳалимнинг оиласи унинг уйида хонадон ижарага олингани



ҳақидаги шартномасиз яшагани учун расмий равишда жарима тўлашга мажбур бўлади, шунинг учун уларнинг бу ҳонадондан кўчиб кетишига тўғри келади.

20 ёшли Артур ҳам IWPRга қайд белгисига эга бўлиш бўйича юзага келган ўз қийинчиликлари ҳақида сўзлаб берди. Артур 15 ёшида ўғирлик қилгани сабабли 2,5 йилга ахлоқ тузатиш муассасасига тушиб қолгани учун паспорт ололмаган.

Ҳозир, Артурнинг айтишича, у пропискаси бўлмагани учун паспорт ололмапти, чунки паспорти бўлмагани учун пропискага турулмапти.

“Чиқиш йўлисиз доира ичига кириб қолгандекман ва мен нима қилишимни ҳам билмайман”, – дейди Артур.

Ҳозир дўстларининг уйда вақтинча яшаб турган Артур пора эвазига паспорт олишни режалаштирмоқда.

“Менга паспорт берувчи аёлга пул узатиб, кейин эса хўжакўрсинга ётоқхоналардан бирига прописка қилиб олиш яхши, деб айтишди, – дейди у. – Менинг охириг умидим шундан”.

Мазкур тизим танқидчилари унинг ҳаракатланиш эркинлиги ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқини кафолатловчи Тожикистон конституциясига, шунингдек, Тожикистон аъзо бўлган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактга зид келишини айтмоқдалар.

Паспорт тизимида 10 йилга яқин ишлаган ички ишлар идораси ходими Сайдакрам Ёров мазкур тизимни алмаштириш зарур, деган фикрга қўшилади.

“Халқаро тажрибада прописка деган тушунчанинг ўзи йўқ, – дейди у, – дунёнинг кўплаб мамлакатларида фуқаролар қайдининг огоҳлантириш принципи қўлланилади”.

Ҳуқуқшунос Абдуқайюм Юсуфов мажбурий қайддан ўтиш эскирган амалиёт эканига қўшилади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам у расмийлар учун кимнинг қаерда яшаётгани ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди.

“Фуқароларимизнинг кўпчилиги битта манзилда қайддан ўтадилар, аслида эса улар мутлақо бошқа манзилда яшайдилар”, – дейди Юсуфов.

Бироқ прописка тизимининг “бу тизим ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун зарур”лигини таъкидлайдиган ўз тарафдорлари ҳам бор.

“Ҳар ҳафта Душанбега юзлаб одам келади. Улар орасида ўтмишда жиноятчи бўлган кишилар ҳам бўлиши мумкин, – дейди Тожикистон парламенти депутати Галлия Рабиева. – Агар милиция бунақа одамлар қаерда яшаётгани ва нима билан шуғулланаётганини билса, уларни назорат қилиш осонроқ бўлади”.

Рабиева прописка институти бирор-бир шахс эркини чеклаши мумкинлигини инкор этаркан, “фуқароларимиз мамлакатимизнинг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасига эркин бориб келиши, истаган жойида ишга жойлашиши мумкин”, дея таъкидлайди.

Исми ошкор этилишини истамаган милиционернинг IWPRга айтишича, жиноятчилик олдидаги кўрқув ички консерватизм билан биргаликда мазкур тизимдаги ислоҳотга тўсиқ бўлиши мумкин.

“Прописка институтининг бекор қилинишига “шундай қилсак, яхши бўлади” деб, фақат советча усулларга риоя қиладиган амалдорлар тушунчаси ҳалақит бермоқда”, – деди у.

Наргис Хамрабоева – Тожикистондаги “Asia-Plus” янгиликлар агентлиги журналисти, Нафиса Писарежева – Тожикистондаги IWPR тренингларида қатнашган журналист.

ТОЖИКИСТОН: ГАЗЕТАЛАРГА НИСБАТАН ДАЪВО АРИЗАЛАРИ ЮЗАСИДАН ХАВОТИР

Медиа кузатувчилар фикрича, тухмат қилганлик бўйича қатор суд ишлари, сайлов арафасида учта нашрга нисбатан атайлаб уюштирилган кампаниядек кўринмоқда.

Тожикистондаги учта етакчи газетага нисбатан тухмат қилганлик бўйича келтирилган даъво аризалари, 28 февралда ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловлари арафасида ҳуқуматнинг матбуот овозини ўчиришга қаратилган ҳаракати бўлиши мумкинлигидан ҳавотир ўйотди.

Муаммони муроса йўли билан ҳал қилиш бўйича бир неча муваффақиятсиз

уринишлардан сўнг, “Азия Плюс”, “Фараж” ва “Озодагон” газеталарига қарши кўзгатирилган ишлар бўйича илк маҳкама тингловлари 23 февралга белгиланди. Ушбу суд маҳкамасидаги ғайриоддий жиҳат ҳар уччала даъвогарнинг ўзи судьялиги, уларнинг иккитаси ҳатто Олий суд судьяси эканидир.

Судьялар ҳар уччала газетадан етказилган зарар учун 1,2 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда пул талаб қилмоқдалар. Айбловчилар, бу нашрлар ўтган ойи бундан бир йил аввал коррупцияда айбланган фуқаролар гуруҳини ҳимоя қилган адвокат уюштирилган матбуот анжуманини ёритган

лари ва шу орқали судьялар обрўсига путур етказганликларини айтишмоқда. Даъвогарлардан бири бўлган Олий суд судьяси Нур Нуров, суд жараёни яқун топмагунча газеталар фаолиятини тўхтатиб қўйишни талаб қилди.

Нашрларга нисбатан даъво аризаси берилишидан уч кун аввал, яъни 26 январ куни Душанбе шаҳри суди “Пайкон” газетасига нисбатан келтирилган даъво аризасини қониқтириб, нашрни 70 минг АҚШ доллари миқдорида жарима пули тўлашга мажбур қилди.

Илк бора жарима октябр ойида, яъни стандартлаштириш, метрология ва



савдо инспекцияси Давлат агентлигининг тухмат қилганлик юзасидан келтирилган даъво аризаси бўйича суд маҳкамасида ғалаба қозонгандан сўнг белгиланганди. Нашрга нисбатан даъво аризаси берилишига эса, унинг агентликни танқид қилган тадбиркорлар очик мактубини чоп қилгани сабаб бўлганди.

Шунингдек, 26 январ куни Тожикистон қишлоқ хўжалиги Вазирлиги “Миллат” газетасини тухмат қилганликда айблаб, нашрга нисбатан даъво аризасини берганди. Унда нашр декабр ойида вазирликни коррупцияда айблаб ёзган мақоласи сабаб етказган зарари учун 230 минг доллар миқдорида маблағ тўлаши талаб қилинганди.

Хурматга сазовор, мустақил фикрловчи нашрлар иштирокидаги суд маҳкамалари, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар норозилигини келтириб чиқарди. Уларнинг баъзилари, нашрларга нисбатан кўзғатилган суд жараёнларини, парламент сайловлари олдидан матбуот овозини ўчиришга қаратилган келишилган уруниш сифатида баҳоламоқдалар.

“Тожикистон ҳукумати мустақил ОАВ ларини кўрқитиш учун суд тизимидан фойдаланишни бас қилмоғи керак”, дея ёзади 1 феврал куни эълон қилган баёнотида бешта нашрни ҳимоя қилиб чиққан “Чегара билмас мухбирлар” (Reporters Without Borders) ташкилоти.



Сурат: Матбуотда чоп этилган хати даъво аризасига сабаб бўлган адвокат Солеҳ Жўраев журналистлар саволига жавоб бермоқда.

Бир ҳафтадан сўнг эса, ЕХХТ нинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги бўйича вакили Миклош Харашти, Тожикистондаги юқори лавозимдаги амалдорлар бошлаган суд жараёнларини “цензура ўрнатишга бўлган ҳавфли ҳаракатлар” сифатида баҳолади.

“ОАВ лари ўзларининг маълумот тарқатишга бўлган ҳуқуқларидан кенг фойдалана олишлари учун, аниқ бўлган манба баёнотини чоп қилганлари ва тарқатганлари учун жавобгарликка тортилмасликлари керак”, – деди у.

Нью-Йоркдаги журналистларни ҳимоя қилиш Комитети (CPJ) нинг таъкидлашича, даъвогарнинг “Азия Плюс”, “Фараж” ва “Озодагон” газеталаридан талаб қилаётган маблағлари, нашрларни хонавайрон қилиши мумкиндир.

“Таъсир доирасига эга бўлган судьяларнинг мазкур ишда даъвогар эканлиги, мустақил матбуотни ҳавфсирашга мажбур қилмоқда”, – деди журналистларни ҳимоя қилиш Комитетининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари дастури бўйича координатори Нина Огниева.

Шу қаторда, Тожикистондаги ОАВ ларини ҳимоя қилиш бўйича нодавлат ташкилотлари, мустақил нашрларга нисбатан сони ошиб бораётган “қимматбаҳо” даъво аризаларининг мамлакатдаги ОАВ лари эркинлигини янада чеклаб қўйиши мумкинлигидан огоҳлантиришмоқда.

Тожикистон мустақил ОАВ лари Ассоциациясининг раҳбари Нуриддин Қаршибоевнинг журналистларни ҳимоя қилиш Комитетига айтишича, ҳукумат тухмат қилганлик ҳақидаги қонунни сайловлар арафасида танқидий мақолалар чоп этишга шай турган нашрларни тинчлантириб қўйиш учун кўлламоқда. Унинг фикрига Тожикистон журналистлари Иттифоқининг раиси Акбарали Сатторов ҳам қўшилади.

“Нима бўлганида ҳам, буни сўз эркинлигига нисбатан босим сифатида баҳолаш мумкин. Айниқса, сайловлар арафасида, – деди у. – Шу билан бирга, бу даъво аризаларини қандайдир бир маълум шахслар эмас, балки судья, вазирлик ва давлат қўмиталари бердилар”.

“Журналистларни хотирлаш Жамғармаси” нинг раиси Муҳтор Боқизода, 2005 йил январ ойида бўлиб ўтган

сўнги парламент сайловлари вақтида, уни шахсий босмаҳона учун электрэнергиясини ноқонуний ишлатганликда айблашганини эслайди. Ўша пайтда, у ҳукумат ва президентни танқид қилган “Неруи Сухан” газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келган. Натижада босмаҳона ёпилиб, келаси йили ҳар бир давлат босмаҳонаси “Неруи Сухан” газетасини чоп қилишдан бош тортган. IWPR га берган интервьюсида судья Нуров, тухмат қилганлик бўйича ишнинг сиёсий сабаб кўзғатилганини рад қилади. Унинг таъкидлашича, у ва ҳамкасблари даъво аризаларини оддий фуқаролар сифатида беришган.

“Биз нашрларга нисбатан арз қилдик, аммо бу иш бизнинг фойдамизга ҳал бўлади дегани эмас”, – деди Нуров. Бироқ оммавий ахборот воситалари ва таҳлилчилар, тухмат қилганлик бўйича даъво аризалари одатий ҳолатга айбланиб бораётганини таъкидлашмоқда.

“Вазият жуда ҳавотирли ва агар у бар-тараф этилмаса, журналистлар орасида ўз-ўзини цензура қилиш ҳолати ошиб боради”, – деди Қаршибоев. Унинг қўшимча қилишича, журналистлар жамоат учун муҳим бўлган маълумотни тарқатиб, ўз вазифаларини бажарганлари учунгина ҳавф остида қолмоқдалар.

Сиёсатшунос Парвиз Муллажонов, ҳукумат амалдорларни танқид қилаётган оммавий ахборот воситаларини мўлжалга олаётганини айтади.

“Матбуотнинг мустақил бўлиб бораётгани баъзи гуруҳ ва шахсларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда”, – деди у. – Биринчи кўринишда, баъзи доираларнинг матбуотга нисбатан қаршилиги секин-аста амалга оша бошлади. Аммо ўшанда, бу қаршилик кейинчалик кескин тус олиши аён эди”.

5 феврал куни IWPR нинг Тожикистон мустақил оммавий ахборот воситалари Ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати пайтида, оммавий ахборот воситалари фаоллари, юрист ва ҳуқуқ ҳимоячилари ОАВ лари тўқнаш келаётган муаммоларни муҳокама қилдилар. Унинг якунида эса, журналист, айниқса тухмат қилганлик айбига тўқнаш келаётган журналистларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш бўйича гуруҳ ташкил этиш қарори қабул қилинди.

Аслибегим Манзаршоева ва Зарина Эргашева, Тожикистон





ЎЗБЕК РАСМИЙЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚЎРҚИТИШ ОРҚАЛИ УЛАРГА ҲАҚИҚАТНИ ЁЗИШНИ МАЪН ҚИЛМОҚЧИ БЎЛАЯПТИ

Мустақил журналистларга қарши босимнинг тобора кучайиб бораётгани, афтидан, ўзбек расмийларининг холис ахборотдан чўчишини намоён қилмоқда.

14 январь Ferghana.ru Марказий Осиё ахборот агентлиги Тошкент шаҳар прокуратураси Ўзбекистонда ишлаётган мустақил журналистларнинг бир нечасини сўроқ қилгани ҳақида хабар қилди. Олти мухбир Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Баҳром Нурматов томонидан суҳбатга чақирилган, бироқ уларнинг икkitаси огоҳлантириш хати берилмагани учун у ёққа боридан бош тортганлар.

“Прокуратурада журналистларнинг ҳар бирига унинг мақолалари ва репортажлари, шунингдек, батафсил таржимаи ҳоли ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборат досье кўрсатганлар, - деб ёзди нашр. – Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси бу материаллар уларга Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим қилинганини маълум қилган”.

Журналистлар сўзларига кўра, прокуратура ходими айрим мухбирларга улар таржимаи ҳолидаги кўпчилик билмайдиган фактларни ўқиб берган, уларнинг мақола остига қўядиган барча тахаллусларини айтиб берган, мухбирларнинг қайси хорижий оммавий ахборот воситаларига ишлаши, халқаро конференцияларга борган-бормагани ҳамда кимдан ва қанчалик тез пул жўнатмалари олиб туриши билан қизиққан.

Мустақил журналист Сид Янишев хорижий веб-ресурслар билан ҳамкорлиги юзасидан сўроқ қилинган.

“Бу ерда сизнинг мақолаларингизни бирёқлама, ноҳолис ва мамлакат раҳбариятини ҳақоратловчи мақолалар деб ҳисоблайдилар”, - дея иқтибос келтиради Ferghana прокурор ёрдамчиси сўзларидан.

Эртаси (8 январь) куни тошкентлик мустақил журналистлардан яна бири бўлган Алексей Волосевич прокуратурага профилактик суҳбатга чақирилган.

“Нурматовни [Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси] қайси тахаллуслар остида мақола ёзишим, чет элга чиққан-чиқмаганлигим, Uznews.net ва IWPR билан ҳамкорлик қилган-қилмаганим қизиқтирди, - дейди у. – Афтидан, бу икки оммавий ахборот воситаси улар учун энг қўрқинчли ОАВ бўлиб ҳисобланса керак”.

Ўзбекистон ичкараси ва унинг хорижда сўралган NBCA шарҳловчилари махсус хизматларнинг мустақил журналистларга нисбатан қизиқиши кучайиб кетгани онлайн-журналистиканинг тобора кучайиб бораётганида, мамлакат ичкарасидаги матбуот тўлалигича мафкуравий текширувдан ўтгани билан, Интернет тармоғида Ўзбекистон ҳақида цензурадан ўтмайдиган таҳлилий материалларнинг кўпаяётганида, дея тахмин қиладилар.

“Ўзбекистонда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, интернет-сайтлар учун материаллар ёзаётган бир неча журналист бор, - дейди Озодлик радиоси ўзбек хизмати мухбири. – Ва бугунги кунда Ўзбекистон расмийларининг қаттиқ назоратига қарамай, мамлакат ичидан мустақил ахборот етиб келаяпти. Ўзбекистонлик етти миллионга яқин муҳожир Интернетдаги материалларни доимий равишда ўқиб бораёпти, форумларда фаол иштирок этаяпти, ўз танқидий фикрларини ёзиб бораёпти. Расмийлар Ўзбекистон хорижда юрган одамлар воқелиқдан яхши хабар-



дорлигидан хавфсирамоқда, шунинг учун ҳам бу маълумотларни етказиб бераётган журналистларга нисбатан босим ўтказилапти”.

Волосевич ҳам расмийлар электрон оммавий ахборот воситаларининг “тобора ошиб бораётган роли”дан хавфсираётганини таъкидлади. Шунинг учун ҳам, дея қайд этади у, махсус хизматлар журналистлар орасида “тозалаш” амалиётини ўтказмоқда.

“Ўзбекистонда журналистларнинг бунақа оммавий равишда сўроқ қилиниши билан боғлиқ ҳолатни эслай олмайман”, - деди у.

Тошкентда яшовчи медиашарҳловчи ҳам сўроққа чақирилган мухбирларнинг аксарияти айнан интернет-журналистикага ихтисослашганини қайд этди.

“Интернет шиддат билан қулоч ёйиб бораётган шароитда улар узатаётган ахборот харидори тобора кўпайиб бормоқда, - дейди суҳбатдош. - Интернет-журналистни ишдан ҳайдаш ёки унга иш берувчиларга босим ўтказиш имкони бўлмагани сабабли унинг расмийлар учун ёқимсиз бўлган фаолиятдан воз кечиши учун таҳдид йўли билан таъсир ўтказиш чораси қолади, холос”.

Хорижда яшовчи ўзбек сиёсатшуноси Тошпўлат Йўлдошев журналистлар билан прокуратурада ўтказилган профилактик суҳбатлар улар учун “ўзига хос огоҳлантириш” бўлиб ҳисобланишини айтади.

“Ахир ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳақида Интернетда чоп этилаётган асосли ҳақиқат, ҳукумат фикрича, расмийлар гапирётган барча гапларни

пучга чиқаради ва бу ахборот урушига ҳозирча улар қарши туrolмаяптилар. Шунинг учун бу хабарларни ёзаётганларга қарши куч ишлатилишини кутиш қоляпти, холос”, - деди у.

Мамлакат шимолида яшовчи журналист мустақил муаллифларни таъқиб қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан эътиборсиз қолдирилиши мумкинлигидан чўчийди.

“Журналистлар фаоллигини сусайтириш кампаниясини бошлаш учун расмийлар жуда қулай вақт танланганлар, - дея таъкидлайди Наумов. – Ҳозир Фарб ва Шарқ турли сабабларга кўра расмий Тошкентга нисбатан хайрихоҳлик билдириб турибди”.

27 октябрь куни Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари мажлисида Ўзбекистонга қарши сўнги санкцияларни бекор қилишга қарор қилинди.

“Ўзбек расмийларини қонун устиворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилган, келажакда амалга оширилажак ижобий қадамларга рағбатлантиришни кўзда тутиб, шунингдек, уларнинг мажбуриятларини эътиборга олиб, [ЕИ вакиллари] кенгаши қолган чекловларни қайта жорий қилмасликка қарор қилди”, - дея қайд этилади ЕИ кенгаши матбуот хизмати тарқатган маълумотда.

NBCA шарҳловчилари ўшандаёқ Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга қарши санкциялари тўлалигича бекор қилиниши мамлакатда ҳуқуқ ҳимояси билан боғлиқ вазиятнинг ўнглинишига ёрдам беради, деб ўйлаш соддадиллик бўлишини таъкидлагандилар.





ТУРКМАНИСТОНЛИК ХУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ҒАРБ ДИПЛОМАТИЯСИДАН УМИД УЗГАНЛАРИ ЙЎҚ

*Париж Ашхобод
бўладиган
музокараларда
талабчанроқ
бўлиши лозим,
дейдилар ҳуқуқ
ҳимоячилари*

1 февраль куни Қурбонқули Бердимухаммедовнинг Францияга уч кунлик расмий сафари бошланди. Мазкур сафар чоғида туркман делегациясининг ҳукумат ва парламентда музокаралари, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор йирик фирмалар иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтади.

Ташриф арафасида Парижда туркманistonлик инсон ҳуқуқлари курашчилари ва халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари вакиллари Кавказ ва Марказий Осиё департаменти директорининг ўринбосари Эрик Миллет ҳамда Франция Ташқи ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқлари ва гуманитар масалалар бўйича департаменти раҳбарининг ўринбосари Оливер Жерот билан учрашдилар.

“Биз Франция президенти Николя Саркозини президент Қурбонқули Бердимухаммедов билан учрашув чоғида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалани кўтариш ва бу ҳақларга риоя қилиниши билан боғлиқ вазиятни ўнглаш, фаоллар томон юз буриш ва мулоқотни бошлаш бўйича қатъий тавсиялар беришга чақирдик”, - деди NBCАга учрашувда иштирок этган Туркменистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси лидери Тожигул Бегмедова.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари учун лигаси, Human Rights Watch, Инсон ҳуқуқлари халқаро федерацияси, Чегара билмас мухбирлар ва Туркменистон Хельсинки жамғармаси вакиллари ва ҳуқуқ фаоллари франциялик журналистлар учун матбуот анжумани ўтказдилар.

Авторитар раҳбар Сапармурод Ниёзов вафотидан кейин 2007 йилда ҳокимият тепасига келган президент Қурбонқули Бердимухаммедов либераллашув бошланиши мумкинлигига ишора қилиб, “Давлат инсон учун” тамойилини эълон қилганди. Шунингдек, у орасида виждон тутқунлари ва аввалги режим мухолифлари бўлган ўн бир кишини авф қилган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий дастурни ишлаб чиқа бошлаганди.

Бироқ инсон ҳуқуқлари ҳимояси жабҳасида сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ, Туркменистон қамоқхоналарида сиёсий маҳбуслар



қолишда давом этмоқда, ҳаракатланиш эркинлиги қаттиқ чекланган, мамлакатда мустақил матбуот йўқ, барча ОАВ қаттиқ цензура қилинади ва улар расмийларга қарам, мустақил нодавлат ташкилотлари эса рўйхатга олинмаяпти.

Ҳозирги пайтгача, Бегмедова сўзларига кўра, БМТнинг тўққизта махсус маърузачиси Туркменистонга виза ололма-япти.

Экспертлар Ашхобод ва Парижнинг фаол иқтисодий ҳамкорлиги, Франция “Буи” қурилиш ширкатининг Туркменистондаги йирик шартномаларда иштирок этиши инсон ҳуқуқлари ҳимояси ғоясига соя солиши мумкин, бироқ барибир вазиятни ўнглашнинг имкони бор.

“Йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун Туркменистон расмийларига сиёсий ирода керак бўлади, биз буни тушунамиз, - дея давом этади Бегмедова, - шунинг учун ҳам франциялик дипломатларга Бердимухаммедовнинг барча ваъдаларини ўрганиб чиқиш ва уларни турмушга татбиқ этиш учун унга ёрдам беришни таклиф қилдик. Масалан, маҳаллий мутахассислар касбий малакасини ошириш учун талабалар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар ва журналистлар алмашиш дастурларини фаоллаштириш шулар жумласидандир”.

Бошқа ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам Европа Иттифоқи мамлакатларининг Туркменистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятига нисбатан позицияси “ўта заиф” эканини, бироқ бунга хоҳиш-истак бўлган тақдирда катта муваффақиятларга эришиш мумкинлигини айтдилар.

Масалан, Ашхобод ЕХХТнинг кишилик ўлчовлари бўйича йиллик кенгашига (унда аъзо мамлакатлар ҳуқуқ муҳофазаси жабҳасидаги ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот бериб борадилар) доим эътиборсизлик билан қараб келган. Дипломатик музокаралар орқали Туркменистонни бунга эътибор билан ёндошишга мажбур қилиш мумкин.

“Бугунги кунда Франция буни тузатиш учун зўр имкониятга эга”, - деди Инсон ҳуқуқлари халқаро федерацияси президенти Сухаир Белхассен.

Голландияда фаолият юритувчи Туркменистон Демократик Фуқаролик Уюшмаси раҳбари Вячеслав Мамедов ҳам туркман расмийларининг қатағон сиёсатига нуқта қўйишга фақат ғарб дипломатияси қодир, дея тахмин қилади.

“Кенг кўламдаги халқаро қўллов бўлмаган тақдирда, бу мақсадга эришиб бўлмайди”, - дея хулоса қилади у..



Тожиғул Бегмедова,
Туркменистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича
Хельсинки жамғармаси лидери



Халқаро ташкилот вакиллари Парижда бўлиб
ўтган матбуот анжуманида.

Фотосуратлар IWPRга франциялик мустақил журналист Сильвия Лассаре томонидан тақдим этилди.



ТУРКМАНИСТОН РАСМИЙЛАРИНИНГ ТУРАР-ЖОЙЛАРНИ БУЗИШ КАМПАНИЯСИ ЮЗАСИДАН НОРОЗИЛИКЛАР

Бир қатор янги қурилиш лойиҳалари туфайли уй-жойлари бузилган туркменистонликлар амалдорлар бюрократик баҳоналар ишлатиб, уйларида мосуво бўлганларга тўланиши лозим бўлган товон пулини уларга тўлашдан бош тортаётганларини айтмоқдалар.

Одамлар йўл ва кўп қаватли бинолар қурилиш учун бузилган уй пули қийматига тенг келадиган товон пули учун қурашишга мажбур бўлмоқдалар.

Улардан айримларигина расмийлардан ўз ҳақларини талаб қилиш ёки хориждаги ҳуқуқ ҳимоячиларидан ёрдам сўрашга тайёр, қолганлар эса таъқиб-таъйиқларга дучор бўлишдан қўрқиб, жим турибдилар.

Исми ошкор қилинишини истамаган ашхободлик кекса аёл турар-жойлар бузилиши бошланган Янги йил байрами арафасида уни ва қўшниларини уйдан кўчиб чиқишга қандай мажбур қилганларини кўзда ёш билан эслайди.

“Уйларимизни бузиб, бизни бу ердан кўчираётдилар”, - дер экан у аввал пойтахтнинг марказий бозори олдидаги кичикроқ ер участкасидаги уйда яшаганини қўшимча қилади.

Унга Ашхободнинг янги мавзеларидан биридаги кичкинагина квартира берганлар, бироқ унга йўқотилган турар-жой ва ер участкаси қийматини қопловчи ҳеч қанақа товон пули берилмаган.

Шунга қарамай, бу аёл бошқа кўчирилганга солиштирилганда ўзининг омади чопган, деб ҳисоблайди: “Бошқаларнинг аҳволи янада аянчли, улар қариндошлариникида яшаш ёки турар-жой ижарага олишга мажбур бўлмоқдалар”.

Турар-жой ижарага олишга ҳамманинг ҳам имкони бор, деб бўлмайди, чунки уй ижараси ҳақи ойига 200 АҚШ долларида бошланади. Бу сумма тақрибан давлат муассасасида ишлайдиган ходимнинг ўртача маошига тенг бўлгани учун кўпчиликнинг уй ижарага олишга қудрати етмайди.



Ўтган йили Ашхобод ва вилоят марказларида яшовчи кўп фуқаролар ўз мол-мулкидан ажради, чунки шаҳар ва қишлоқларда яшовчи кишиларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш бўйича давлат режаси доирасида уларнинг турар-жойлари ўрнида истироҳат боғлари, масжидлар ва фавворалар қуриш режалаштирилган.

Айрим ҳолларда ичимлик суви қувури ўтказилмаган бир қаватли эски хусусий уйлар ўрнига барча шароитларга эга кўп қаватли уйлар қуриш учун бу эски уйларни бузиб ташламоқдалар. Эски кўп қаватли уйлар ҳам бузилдиган бўлиб турибди.

Турар-жойларни бузиш кампанияси 2006 йилда вафот этган Туркменистоннинг биринчи президенти Сапармурод Ниёзов давридаёқ бошланганди. Ниёзов мамлакат фаровонлигини намойиш қилиш учун “маданият саройлари”, янги йўл ва масжидлар қуриш каби мегалойиҳаларга ишқибозлиги билан танилганди.

Бу каби сиёсат 2007 йилда Ниёзов ўрнини эгаллаган Қурбонқули Бердимухаммедов даврида ҳам давом этди. Янги раҳбар шаҳар ва қишлоқлардаги одамлар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ижтимоий тараққиёт дастурини қабул қилиб, бу кампанияга янгича руҳ берди.

Туркменистон қонунларига мувофиқ, мол-мулк мажбурий равишда олиб қўйилиши мумкин, бироқ бундай вазиятда мулк эгаларига товон пули тўланиши лозим бўлади. Қонунда товон пули бўйича ҳар қандай келишмовчиликлар бино бузилгунига қадар суд орқали ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Фуқароларнинг сўзларига кўра, аслида яшовчилар зўрлаб кўчирилган ва шундан кейин улар бузилган уйи пули қийматига тенг келадиган товон пули учун курашишга мажбур бўлмоқдалар. Бу, туркменистонликларнинг айтишларича, уларнинг ҳуқуқини бузиш бўлиб ҳисобланади.

Баъзан амалдорлар мулк эгаларининг ҳужжатлари жойида эмаслигини баҳона қилиб, уларга товон пули тўлашдан бош тортмоқдалар. Бу борада айниқса Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг ўтказилган хусусийлаштириш жараёни чоғида ўз уйи ёки ер майдонини хусусий мулк сифатида расмийлаштира олмай қолганлар чорасиз қолмоқдалар.

Уларнинг айримлари мулкка қонуний эгаллик қилиш ҳуқуқига эга, аммо улар

одам меҳнат стажини тўла бажармаган бўлса [ишдан бўшасою муассаса берган хонадонда яшашда давом этган бўлса] ёки ҳужжатлардаги имзо шубҳали кўринса ва ё хусусийлаштирилган уй ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилган бўлса, одамларга уларда турар-жойга даъвогарлик қилиш бўйича ҳеч қанақа ҳақ-ҳуқуқ йўқлигини билдириб, уларга ҳеч қанақа товон пули бермай, уйдан кўчириб юборишлари мумкин”, - деди ҳуқуқшунос.



Куня Урганч



Ашхободдаги янги микрорайон

хусусийлаштириш жараёнини якунига еткази олмайд қолганлар. Ашхободдаги давлат идораси юристи IWPR билан суҳбат чоғида мулкка оид ҳужжатлар амалдорлар томонидан диққат билан ўрганилишини тасдиқлади.

Совет даврида хизматчиларга турар-жой иш жойи билан бирга тақдим қилинарди.

“Агар турар-жой хусусийлаштирилмаган бўлса ё хонадонни ижарага олган

Ҳатто турар-жойга эгаллик қилиш ҳуқуқи борлигини исбот қила олиши мумкин бўлган одамлар ҳам аввал уйдан мажбуран кўчирилиб, кейин бузилган уй қийматини қоплай олмайдиган товон пули олишдек вазиятга тушиб қолмоқдалар.

Мамлакат ғарбида жойлашган Туркманбоши шаҳрида ўз уйлари вилоятлари олдида норозилик тадбири ўтказдилар. Уларнинг уйлари автойўл учун жой бўшатиш мақсадида бузилганди. Одамлар маҳаллий расмийлардан лозим бўлган товон пулини олиш бўйича кафолат талаб қилдилар.

Ўтказилган норозилик тадбирини Туркменистонда ҳокимиятга муҳолиф фикрда бўлишнинг камдан-кам учрайдиган мисолларидан бири, дейиш мумкин. Гарчи биноларни бузиш бўйича ишлар тўхтатиб қўйилган бўлсада, шаҳар маъмуриятида ишловчи амалдорлар билан бузилган уйда яшаган кишилар ҳали ҳам икки томонни қониқтирадиган ечим топиш билан овора.

Ўтган йили мамлакат шимолидаги Кўҳна Урганч шаҳрида йигирмадан зиёд турар-жой ва бошқа бинолар бузиб ташланганди; уларнинг ўрнига расмийлар масжид қурмоқчи эдилар.

Исми ошкор қилинишини истамаган маҳаллий фаоллардан бири сўзларига кўра, “расмийлар бузилган уйларга ҳеч қанақа товон пули тўламаган. Улар фақат бузилган уйлар матери-



алларини олиб кетиш ва шаҳар чеккасида [хусусий] курилишлар қилиш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланишга рухсат бердилар, холос”.

Ўзини Муродберди деб таништирган ашхободлик киши шаҳар маъмуриятида ишловчи амалдорлар у ўзи эгалик қилган турар-жой майдонидан кичикроқ жойга умид қилиши мумкинлигини айтиш учунгина унинг ҳужжатларини ойлаб кўриб чиққанларини гапириб берди.

Исмини ошкор қилинишини хоҳламаган ашхободлик таҳлилчи IWPR-га ҳозир вазият Ниёзов давридагига солиштирганда анча ўнглиниб қолганини, аввал одамлар турар-жойи бузилиши олдидан ҳатто бу ҳақида баъзан огоҳлантирилмаган пайтлар ҳам бўлганини айтади.

“Даҳшатли томони шундаки, бундан икки-уч йил аввал хусусий уй қуришга рухсат берилган одамлар икки ҳафта ичида уйларини бўшатиб қўйиш лозимлиги ҳақида огоҳлантириш хати олардилар”, - деди у.

Шунингдек, у товон пули бўйича аризаларни кўриб чиқишда шаҳар расмийлари ер участкалари ёки қўшимча қурилиш бинолари, масалан, хўжалик иншоотларини эътиборга олмаётганини тасдиқлади.

“Беш ёки ўн кишидан иборат оилалар икки ёки бир хонали хонадонлар кўчиб ўтаяптилар”, - дейди таҳлилчи.

Кузатувчилар сўзларига кўра, мамлакат жамоатчилиги расмийлар томонидан бошланган қурилиш кампаниясидан ҳеч қандай фойда кўраётгани йўқ.

Янги турар-жойлар оддий одамлар харид қила олмайдиган нархларда сотилмоқда. Айрим лойиҳалар эса эски биноларни бузиш босқичида қолиб кетаяпти – бунда ер майдони тозаланиши, бироқ масжид ёки бошқа бино қурилиши ҳеч қандай изоҳсиз музлатиб қўйилиши мумкин. Бошқа лойиҳалар эса аввал-бошдан яроқсиз ғояга асослангани учун ташлаб қўйилган.

Ашхободда кўпчилик Ниёзов даврида ҳайвонот боғи қурилиши баҳонаси билан боғ ва полизларига эга бутун бошли дала ҳовли поселкаси бузиб ташланганини яхши эслади. Лойиҳани амалга ошириш ўша босқичда тўхтаб қолди, чунки Ашхобод

ҳалқаро аэропортига жуда яқин ерда жойлашган бу участка жониворларни сақлаш учун яроқсиз эди.

Дала ҳовлиларнинг юзлаб эгалари расмийлар томонидан ажратилган автойул бўйидаги ер участкаларига уй қуришдан бош тортганлари сабабли ҳеч вақосиз қолдилар. Ашхободлик таҳлилчи уйдан кўчириб юборилган фуқароларнинг судга мурожаат қилиш бўйича руунишлари бесамар бўлганини айтади: “Мен судга мурожаатлар бўлганини биламан, аммо бирор ижобий натижага эришилганини ҳеч кимдан эшитганим йўқ”.

Фуқаролар шикоят бўйича расмийлар чора кўрган ягона ҳодиса, аноним манбанинг маълум қилишича, ўтган йилнинг декабрь ойи охирида Бош прокуратура бузилган уйлар учун товон пули тўлаш қанчалик тўғри олиб борилгани бўйича текширув ўтказиб бошлагани бўлди.

Нима қилиб бўлса ҳам адолатга эришишга уринаётган айрим жабрланувчилар ҳалқаро ташкилотларга мурожаат қилароқ расмийларга қарши ҳаракат бошладилар.

Туркманистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси раҳбари, Болгарияда яшайдиган Тожиғул Бегмедова ўз ташкилоти мол-мулка бўлган ҳуқуқи бузилган кишилардан бир неча мактуб олганини гапириб берди.

Аксарият ҳолларда шикоят қилувчилар расмийлар кишиларнинг бошпана бериш илтимосларини эътиборсиз қолдирганидан шикоят қилганлар. “Улар шу кунга қадар ҳам ҳақ қарор топишига эриша олмаптилар”, - дея қўшимча қилди у.

Нидерландияда фаолият юритувчи Туркманистон юристлар ассоциацияси раҳбари Тимур Мисриханов шикоят хатларининг бир нечтаси БМТга юборилгани айтди. Бироқ бунақа ҳолатлар кўп эмас, чунки ҳалқаро ташкилотларга мурожаат қилган одамлар катта муаммоларга дуч келишлари мумкин.

“Одамларнинг аксарияти ўз ҳақ ҳуқуқларини талаб қилиш кўрқадилар, чунки уларга қаттиқ босим ўтказилди”, - деди Мисриханов.

Дўлет Ўвезов, Ашхобод
Инга Сикорская, Бишкек



Institute for war & peace reporting

48 Gray's Inn Road
London, WC1X 8LT, UK
Tel: (44 20) 7831 1030
Fax: (44 20) 7831 1050
Web: www.iwpr.net
E-mail: info@iwpr.net



IWPR нинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри 720017
Тоголок Молдо кўчаси, 18-2
Тел.: + 996 312 664453, 61 38 70
Факс: + 996 312 61 38 70
E-mail: iwpr.kyrgyz@iwpr.net



IWPR нинг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қозоғистон Республикаси,
Алмати шаҳри, 050000
Қазибек би кўчаси, 50
2 - чи қават, 84 офис
Тел.: + 7 727 2725903, 2726421, 2726890
E-mail: iwpr.kazakhstan@iwpr.net



IWPR нинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси

Тожикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри, 734003
Рудакий проспекти, 137
“Тоҷикматбуот”, 6 – чи қават
Тел.: + 992 372 247026
E-mail: iwpr.tajikistan@iwpr.net
Тел./Факс: + 992 372 247051